



ЎЗБЕКИСТОН — СЛОВАКИЯ: ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДА ЯНГИ БОСҚИЧНИ БОШЛАБ БЕРГАН ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Словакия Республикаси Бош вазири Роберт Фицо расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди.



9 июнь куни Қўқсарой қароргоҳида Словакия Республикаси Бош вазири Роберт Фицо расмий кутуб олиш маросими бўлди.

Қароргоҳ олдидаги майдонда фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий қарши олиб, шохсўпага таклиф этди.

Ҳарбий оркестр ижросида Ўзбекистон ва Словакия давлат мадҳиялари янгради.

Етакчилар фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Словакия Республикаси Бош вазири Роберт Фицонинг музокаралари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Словакия ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Қайд этиш лозим, Ўзбекистон ташқи сиёсати стратегиясининг фаоллашуви ва Европа Иттифоқининг Марказий Осиёга қизиқиши ортиб бораётгани фонидида расмий Тошкент ва Братислава ўртасидаги муносабатлар янгида суъят олди. Турли соҳаларда ҳамкорлик жадал ривожланоқда.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари ушбу ташриф кўп қиррали Ўзбекистон — Словакия муносабатлари тарихида сифат

жихатидан янги босқични бошлаб беришни алоҳида таъкидлади.

Ҳамкорлик барча йўналишларда жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ташқи ишлар вазирликлари даражасида конструктив сиёсий мулоқотлар йўлга қўйилди, ишбилармонлик ва гуманитар алмашинувлар фаоллашди.

Товар айирбошлаш ортиб бормоқда. Май ойида Хукуматларо комиссиянинг биринчи йиғилиши самарали ўтказилди. Кооперациянинг қатор янги йўналишлари ва лойиҳалари устиди иш олиб борилмоқда.

Замонавий таҳдидлар ва олдиндан айтиб бўлмайдиган халқаро вазиятни ҳисобга олиб, ташқи сиёсий идоралар, шу жумладан, Европа институтлари билан шериклик доирасида тизимли ҳамкорлик қилиш, мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш муҳимлиги қайд этилди.

Товар айирбошлашни кўпайтириш, энг аввало, ўзаро етказиб берилаётган маҳсулот турларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистондан тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, электротехника, кимё маҳсулотлари, полимерлар, Словакиядан эса каучук, автомобиль қисмлари, фармацевтика ва бошқа саноат товарларини етказиб бериш шулар жумласидан.

Техник жиҳатдан тартибга солиш ва метрология соҳаларида имзоланадиган битимларни амалга ошириш доирасида техник тўсиқларни бартараф этиш ва квант эталонни лабораториясини ишга тушириш муҳимлиги қайд этилди.

Словакиянинг етакчи компаниялари билан саноат кооперацияси бўйича кенг қўламли дастурни тайёрлаш, жумладан, агросаноат мажмуи, автомобиллар учун бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш, “яшил” энергетика ва туризм лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан келишувга эришилди.

Рақамли ечимларни жорий этиш ва стартап инвестициялар соҳасида катта имкониятлар мавжуд. Шу маънода, IT стартапларини акселерация қилиш бўйича қўшма венчур фондини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди.

Шунингдек, қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун мавжуд молиявий воситалардан кенг фойдаланиш таклиф этилди.

Гуманитар соҳада таълим ва академик алмашинуви ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани тасдиқланди. Қўшма тадқиқот дастурларини, шу жумладан, Братиславадаги Коменский университети иштирокида йўлга қўйиш юзасидан келишувга эришилди.

Томонлар ўзаро кўргазмалар, кино намойишлари, концертлар, шунингдек, музей иши соҳасидаги лойиҳаларни ўтказишни назарда тутуви Маданият соҳасида ҳамкорлик дастурини қабул қилишга келишиб олдилар.

Ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Словакия томони ушбу соҳада тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдор экани таъкидланди.

Халқаро аҳамиятга молик масалалар, жумладан, кўп томонлама майдонларда ўзаро қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Қабул қилинган қарор ва келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида икки мамлакат ҳукуматлари томонидан кенг қамровли “йўл харитаси” қабул қилиниши ҳақида келишиб олинди.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Словакия Республикаси Бош вазири Роберт Фицо Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатish тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Етакчилар ҳузурда икки томонлама ҳужжатлар, хусусан:

— дипломатик кадрлар тайёрлаш тўғрисида;

— қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;

— стандартлаштириш, метрология ва товарларнинг мувофиқлигини баҳолаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;

— энергетика бозорларини тартибга солиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар;

— 2025-2026 йилларга мўлжалланган ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик дастури;

— 2025-2026 йилларга мўлжалланган стандартлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик дастури алмашилди.

Олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Словакия Бош вазири Роберт Фицо Фахрий меҳмонлар хиббонида биргаликда дарахт экидилар.

Маросим икки мамлакат халқлари ўртасида дўстлик ва ўзаро англашув мустаҳкамланиб бораётгани, Ўзбекистон — Словакия муносабатлари ривожига янги — стратегик шериклик босқичи бошланганининг рамзи бўлди.

Шу куни олий мартабали меҳмон “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Мажмуа билан қисқача танишув асносида Словакия делегацияси вакилларига мазкур ансамбль мазмуни ва меъморий ечимлари ҳақида маълумот берилди.

Словакия Республикаси Бош вазири Роберт Фицонинг Ўзбекистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурасти.

ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БИЛАН АМАЛИЙ АЛОҚАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган БРИКС Янги тараққиёт банки президенти Дилма Русефни қабул қилди.

Ушбу кўп томонлама молиявий институт билан амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўтган йил октябрь ойидаги БРИКС саммити доирасида эришилган келишувлар изчил амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Хусусан, банкнинг Бошқарувчилар кенгаши томонидан Ўзбекистон Янги тараққиёт банкига аъзо бўлишига принципал розилик берилди. Умумий қиймати 5 миллиард долларлик биринчи навбатдаги қўшма лойиҳалар дастури шакллантирилди.

Давлатимиз раҳбари ирригация тизимларини модернизация қилиш, тоғ-кон саноатини ривожлантириш, хусусий секторни молиялаштириш, таълим ва инфратузилма соҳаларида давлат-хусусий шерикликни илгари суриш каби устувор йўналишларда лойиҳаларни тез фурсатда тайёрлаш ва амалга ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, йирик минтақавий инфратузилма лойиҳалари қўллаб-қувватланди.

ЎЗА

АМЕРИКА БИЗНЕСИ БИЛАН ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкент халқаро инвестиция форуми арафасида Америка Қўшма Штатларининг етакчи компаниялари делегацияси билан учрашув ўтказди.

Учрашувда АҚШ Давлат котиби ёрдамчиси Эрик Мейер, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэм, Халқаро тараққиёт молия корпорацияси вице-президенти Брез Бетани, шунингдек, “Boeing”, “FLS”, “Visa”, “NASDAQ”, “Air Products”, “Franklin Templeton”, “Morgan Stanley”, “Coca-Cola” ва бошқа кўплаб корпорациялар раҳбарлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ушбу учрашув Америка бизнесида Ўзбекистондаги фаолиятни кенгайтиришга қизиқиш ортиб бораётганидан далолат эканини катта мамнуният билан қайд этди.

Инвестицион ва инновацион ҳамкорлик истиқболларига, стратегик аҳамиятга эга материалларни ўзлаштириш ва қайта ишлаш, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар, транспорт ва энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа соҳаларда аниқ лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

АҚШнинг етакчи компаниялари раҳбарлари инвесторларнинг самарали фаолиятига яратилган қўлай шароитлар учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, ўзларининг аниқ таклиф ва режаларини баён қилди.

ЎЗА

БОЛГАРИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Болгария Республикаси Президенти Румен Радев 9 июнь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Тошкент шаҳри халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 10 июнь куни бўлиб ўтди.

Ташриф дастурига мувофиқ, икки мамлакат етакчиларининг музокаралари, расмий ва ишбилармонлик тадбирлари ўтказилиши, қатор икки томонлама битимлар имзоланиши режалаштирилган.

Ўзбекистон ва Болгария Президентлари ўзаро манфаатли муносабатларни

янада ривожлантириш, шу жумладан, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, агросаноат мажмуи, фармацевтика тармоғи, кончилик, рақамлаштириш соҳаларида кооперацияни йўлга қўйиш, туризм ва маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтириш масалаларини кўриб чиқадилар.

Болгария Президенти IV Тошкент халқаро инвестиция форумида ҳам иштирок этади.

И.АВВАЛБОВ,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНВЕСТИЦИОН “ТАШРИФ ҚОҒОЗ”И IV ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ИШ БОШЛАДИ

Савдо алоқаларида ўзаро ишонч кўп нарсани белгилаб беради. Бу нафақат шерикларнинг бир-бирига ишончи, балки лойиҳанинг истиқболли, унинг ривожланиши учун шароитлар мавжудлиги, ҳуқуқий асос каби масалаларда иқтидорли ва бошқа кўплаб омилларда кўзга ташланади. Кейинги йилларда хорижлик ишбилармонлар Ўзбекистонга ана шундай катта ишонч ва қизиқиш билан қармоқда. Бунга мамлакатимизда яратилган қўлай, ҳуқуқий қафолатланган ишбилармонлик муҳити сабаб. Ана шу омиллар юртимизга кириб келаётган хорижлик инвесторлар оқими ва барча соҳаларда киритилаётган инвестициялар ҳажмини йилдан йилга оширяпти.

Давоми 2-бетда

“МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ” – ФИДОЙИЛИК МОҲИЯТИНИ АНГЛАШ МАЙДОНИ

Баъзан шундай бўлади: сен кўрган воқеа бир-бирдан деярли фарқ қилмайдиган зерикарли кунларинг қўланқасида мудраб бораётган тафаккурингни, унга қўшиб руҳингни ҳам уйғотиб юборади. Биргина сўз вақт миллирини хотиранг сарҳадлари узра ўтмиш томон судрай бошлайди. Аллақайси товуш, аллақандай хид томирларингда қотиб қолган не бир таниш туйғуни кўзгаб қўяди, онгингда чакнаб ўтган биргина фикр ёруғ хаёллар сари етаклайди. Бугун шундай бўлди...

Аслида-ку ҳеч қандай оламшумул ходиса юз бергани ҳам йўқ. Шунчаки, эски танишим, аниқроғи, курсдошимни учратиб қолдим. Ҳозир у ҳақида гапирмоқчи эмасман, суҳбатимиз бошқа мавзуда — у менга бир пайтлар истеҳзо билан қўйиб олган ном, лақаб хусусида боради. Қисқаса, у мени “қахрамон” деб атар, даргса кирган ҳар битта янги устоздан

атай менинг гашимга тегиш учун қуйидаги саволни қайта-қайта сўрар, кетидан менга имо қилиб, ичида қулиб қўяди: “Домла, ҳар бир давр адабиётининг ўз қахрамонлари бор, бугун-чи? Ҳозирги замонавий адабиётда кимни қахрамон десак бўлади?”.

Давоми 3-бетда





ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНВЕСТИЦИОН “ТАШРИФ ҚОҒОЗ”И IV ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ИШ БОШЛАДИ

буслар катта эҳтимол билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва битимларга айланади.

Самара аниқ рақамларда акс этмоқда

Бугун Тошкент халқаро инвестиция форуми нафақат юртимиз, балки Марказий Осиёдаги энг йирик ва нуфузли тадбирлардан бирига айланади. Ҳар йили форум хорижликларда катта қизиқиш уйғотиб, чет эл оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб келинмоқда. Қатнашчилар сони эса йил сайин ошиб борапти. Тадбир шу баҳона мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти, инвестицион имкониятлари билан танишишни мақсад қилган кўплаб сармоядорлар учун қулай платформага айланади. Форумда ҳар йили ўнлаб, юзлаб янги хорижлик меҳмонларни учратиш мумкин. Анжуман истиқболли шериклар билан мулоқот қилиш, янги келишувларга эришиш бўйича минтақадаги муҳим платформа сифатида эътироф этилиб, халқаро ишбилармон доираларда яхшигина қизиқиш уйғотмоқда.

Амалий натижаси ҳам оз бўлмади — якунда жами 7,8 миллиард долларлик аниқ шартномалар ва инвестициявий битимлар пакети имзоланиб, қиймати 3,5 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича дастлабки келишувларга эришилган.

2023 йилги натижалар ҳам бундан кам эмас. Йилнинг энг муҳим анжуманида дунёнинг 70 дан орტიқ давлатидан 2,5 мингга яқин юқори мартабали меҳмон жам бўлди. Форум ишини 200 дан зиёд маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаси вакиллари ёритиб боргани эса унинг нуфузи нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон майдонидида ҳам ортиб бораётганини кўрсатди. Ўтган йили эса Тошкент халқаро инвестиция форумида 93 мамлакатдан 2,5 мингдан кўпроқ иштирокчи ҳозир бўлди. Нуфузли тадбир 26,6 миллиард долларлик келишувлар имзоланиши билан якунланган.

Умуман, бугунги кунгача форум уч бор ўтказилган бўлса, уларда жами 44 миллиард долларлик 357 та инвестицион келишув имзоланган. Маълумотларга кўра, ҳозирга келиб, бу лойиҳаларнинг 57 таси тўлиқ рўйбга чиқарилган. Қолганлари бўйича эса қурилиш ва лойиҳалаш ишлари давом этмоқда.

Йирик ҳамкорлар орасида Хитой, Россия, БАА, Туркия, Германия, Франция ва бошқа давлатлар бор. Аммо лойиҳаларнинг энг катта қисми Саудия Арабистони вакиллари ҳиссасига тўғри келмоқда. Улар билан жами 10,7 миллиард долларлик битимлар имзоланган. Ўтган йили III Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида саудийлик меҳмонлар билан суҳбатлашгандик. Ўшанда улар Ўзбекистон билан ҳамкорлик катта истиқболга эга экани, бу ҳамкорликни ўзаро ишонч мустаҳкамлаётгани ва янада кўпроқ лойиҳаларга йўл очётганини таъкидлаган эди.

“Ўзбекистон биз учун катта бозор. Қисқа муддат ичида мамлакатга 8,9 миллиард долларлик инвестиция киритдик. Айни пайтда “Яшил” энергетика секторидида 6 ГВт қувватга эга лойиҳанинг қурилиш жараёни кетмоқда. Бу ерда энг кўп инвестиция лойиҳалари амалга ошириб келаётган иккинчи мамлакат эканлигини маънунимиз.

Инвестицион лойиҳаларни янада ривожлантиришда давом этишимиз” деган эди Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абдулла Абунайян ўз интервьюсида.

Сармоялар марказига айланаётган Тошкент

IV Тошкент халқаро инвестиция форуми шу каби инвесторлар, бизнес вакиллари учун яна бир бор самарали мулоқот майдонини яратди. Учрашувларда саноатни модернизация қилиш, иқтисодий рақамлаштириш, барқарор тараққиёт тамойилларини илгари суриш ҳамда минтақавий савдо алоқаларини кенгайтириш каби устувор йўналишлар қамраб олинди. Барча соҳалар бўйича янги лойиҳалар ҳақида сўз борди. Бу жараёнларда эса бевосита етакчи хорижий инвесторлар, сиёсатчилар, бизнес доира вакиллари фаол иштирок этади.

Хорижлик меҳмонларни қизгин қутиб олиш алақачон бошланган. Форум олдидан улар билан юқори доирадаги учрашувлар ҳам бўлиб ўтмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 7 июнь куни давлатимиз раҳбари “Al Miqab Capital” компанияси бошқаруви раиси Жасим Ол Соний ва “Blackrock” инвестиция компанияси катта бошқарувчи директори Адебайо Огунлесидан иборат хорижлик инвесторлар делегациясини қабул қилди. Мулоқотда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва мамлакатимизда истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Тадбир руҳи шу тарзда юртимиз бўйлаб сезила бошлади. Жорий ҳафта мамлакатимиз дунё инвестиция саноатининг йирик вакиллари билан янада гавжумлашади. Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот котиби Шерзод Асадов кеча оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказган брифингидида IV Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида 8 минг нафар делегат қатнашини қутулаётганини маълум қилди. Иштирокчилар орасида олий даражадаги нуфузли меҳмонлар бор.

Ана шу маълумотларнинг ўзидеки халқаро форумнинг аҳамияти ошиб бораётганини кўрсатади. Хорижликлар тадбир орқали Ўзбекистонга кўпроқ сармоя киритишга интиляпти. Минглаб километр олинлардан жиддий тақлифлар, катта маблағлар билан келётган инвесторларнинг қадами узилмапти. Юртимизни қайта кашф этган, унинг жиддий тақлифлар, катта маблағлар билан келётган инвесторларнинг қадами узилмапти. Юртимизни қайта кашф этган, унинг жиддий тақлифлар, катта маблағлар билан келётган инвесторларнинг қадами узилмапти. Юртимизни қайта кашф этган, унинг жиддий тақлифлар, катта маблағлар билан келётган инвесторларнинг қадами узилмапти.

Бугун чет эллик ишбилармонларни бирор нарсага ишонтиришга ҳожат йўқ. Улар юртимиздаги ривожланишлар, инвесторлар учун яратилган шaroитларни ўзи кўриб, ишонч ҳосил қилипти. Аксарияти йирик лойиҳаларга сармоя киритиш, янги ҳамкорлар топиш истагидида. Тошкент халқаро инвестиция форуми ана шундай келишувлар учун қулай майдонга айланади.

Ўтган тўрт йил давомида дунёнинг энг кўзга кўринган, катта таърифага эга йирик компаниялари, бизнес вакиллари ана шу инвестиция форуми сабаб мамлакатимизда бўлди. Узоқдан туриб юртимизнинг иқтисодий имкониятларини чамалаётганлар ҳам энди бу диёрга бемалол келиб, сармоя киритиш мумкинлигига амин бўляпти.

— Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги жадал ривожланаётган сармоявий марказ сифатидаги мавқеи тобора мустаҳкамланиб бормоқда, — деди халқаро форум олдидан ташкил этилган брифингидида Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, савдо ва савдо вазири Лазиз Қудратов. — Охириги 7-8 йилда иқтисодий имкониятни эркинлаштириш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва инвесторлар учун қулай шaroитлар яратиш бўйича катта ислохотлар қилинди. Ўзбекистон сўнгги йилларда 90 миллиард доллардан ортиқ тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб этди. Натижада фақат ўтган йилнинг ўзида ялпи ички маҳсулотимиз 6 фоз ошди. 2030 йилга бориб, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига ҳажми 200 миллиард долларга етиши кутуляпти. Бу мақсадга эришишда хорижий инвестициялар катта роль ўйнайди.

Жорий йилги форумда маҳаллий иқтисодиёт ва саноат имкониятларини янада кенг-роқ намоиш этиш мақсад қилинган. Шу боис, илк бор миллий инвестиция кўргазмаси ташкил этилмоқда. Кўргазмада нефть кимёси, машинасозлик, қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноати каби 10 дан ортиқ истиқболли тармоқда фаолият юритаётган 90 дан зиёд етакчи маҳаллий компания ўз маҳсулотлари билан иштирок этади. Яъни каттагина кўргазма майдонидида Ўзбекистон бренди остида ишлаб чиқарилаётган юзлаб маҳсулотлар намоиш қилинади. Бу хорижлик меҳмонлар шу ернинг ўзида юртимизнинг замонвий ишлаб чиқариш имкониятлари билан танишиши дегани.

Тасаввур қилинг, янги йилларга чинамлаб чиқариши деярли бўлмаган Ўзбекистон бутун миллий маҳсулотлари билан катта кўргазма майдонларини тўлдиряпти. Тўлдирибгина қолмай, сифат борасида бемалол хориж брендлари билан рақобатлашяпти. Шу боис, ташкил этиладиган миллий кўргазмани IV Тошкент халқаро инвестиция форумининг энг ёрқин намоишлари билан бири, дейиш мумкин.

Шунингдек, форум доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг учинчи ялпи мажлиси ўтказилиши белгиланган. Мажлисда етакчи халқаро компаниялар ва йирик молия институтлари раҳбарлари иштирок этиши кутулимоқда.

Панель сессия ва учрашувлар ҳам доимидек тадбирга қизгин руҳ беради. Ахир жаҳоннинг етакчи корпорациялари ва инвестиция фондлари топ-менежерлари, йирик иқтисодчи, халқаро молия институтлари вакиллари, соҳанинг машҳур экспертларидан маърузалар тинглаш имконияти ҳар доим ҳам бўлавермайдими. Йирик форматдаги тадбир эса иштирокчилар учун бевосита инвесторлар ва саноат етакчилари билан учрашадиган, янги тармоқларни ўрганиб, узоқ муддатли лойиҳаларни кашф этадиган манзилга айланади.

Умуман, IV Тошкент халқаро инвестиция форуми меҳмонлар учун ҳам, мезбонлар учун ҳам бирдек манфаатли бўлиши тайин. Ўтган йили анжуман доирасида умумий қиймати 26 миллиард долларликдан зиёд инвестиция битимлари ва шартномалар имзоланган эди. Жорий йилда келишувлар портфелини 30 миллиард доллардан ошириш кутулимоқда. Бу иқтисодийнинг турли тармоқларида минглаб иш ўрни, аҳоли даромади манбаи яратилади дегани. Лойиҳалар самараси эса юртимиздаги ҳар бир оилга кириб бориб, иқтисодий фаровонликка хизмат қилади.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЎЗБЕКИСТОН — СЛОВАКИЯ САММИТИ ЕВРОСИЁДА ПРАГМАТИЗМ, ЎЗАРО МАНФААТДОРЛИК ВА РЕАЛ ҲАРАКАТЛАРГА АСОСЛАНГАН ЯНГИ ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ ШАКЛЛАНАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТДИР

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Словакия Бош вазири Роберт Фицонинг 9 июнь куни Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтган музокаралари хорижий экспертлар ҳамжамияти томонидан икки томонлама муносабатлардаги энг муҳим воқеа сифатида баҳоланмоқда.

Хўш кўнган ЭРЕН,
“ЕвроАврасия” Евроосиё иқтисодий алоқалар жамғармаси бошқаруви раиси (Туркия):



— Таширф ва олий даражадаги музокаралар нафақат расмий Тошкент ва Братиславанинг икки томонлама кун тартиби, балки бутун Евроосиё учун муҳим воқеа бўлди.

Очиқлик, барқарор ривожланиш ва халқаро ҳамкорлик йўлидан ишонч билан бораётган Ўзбекистон ЕИ давлатлари учун муҳим ҳамкор ҳисобланади. Глобал муаммолар, беқарорлик ва иқтисодий ўзгаришлар фонидида Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистон — Словакия муносабатларининг янги босқичи шаклланаётгани ўз вақтида ва узоқни кўзланган қадам бўлди. Музокараларда саноат кооперацияси, сармоявий ҳамкорлик, агросаноат сектори, фармацевтика, рақамлаштириш ва “яшил” энергетика каби устувор йўналишлар белгиланди.

Ўзбекистон кучли Евроосиё ишлаб чиқариш ва логистика маконини барпо этишга катта аҳамият қаратади. Хусусан, Словакия компаниялари иштирокида қўшма саноат кооперацияси дастурини яратиш ташаббуси Шарқ ва Ғарб ўртасидаги барқарор иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш мақсадларига тўлиқ мос келади.

Тазлим алмашинуви, қўшма илмий дастурларнинг йўлга қўйилгани, Ўзбекистон ва Словакия ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам эътирофга лойиқ. Ушолган меҳнат миграцияси бўйича ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, қўшма стартап платформаларини яратиш ва университетларга алоқаларни мустаҳкамлаш

ҳақиқий Евроосиё гуманитар маконини шакллантиришга йўл очади.

Туркия экспертлар ҳамжамияти бу қадамларни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг цивилизациялараро мулоқотни ривожлантириш, халқларни яқинлаштириш ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси сифатида кўрмоқда.

Мен Тошкентда эришилган келишувлар амалиётга таъбиқ этилишига, икки томонлама муносабатларга янги суръат бағишлагига, Ўзбекистон ва Словакиянинг Евроосиё маконидида ишончли шериклар сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлашига ишонаман.

Рой Энтони РОЖЕРС,
Малайя университети халқаро ва стратегик тадқиқотлар кафедраси профессори (Малайзия):



— Таширф Шарқий Европа давлатларининг Марказий Осиёнинг жадал илоҳ қилинаётган бозорига қизиқиши ортиб бораётганининг кўрсаткичи сифатида баҳолашни керак.

Қуала-Лумпур нуқтаи назаридан, бу Тошкент аънанавий ҳамкорлар “периметридан ташқарига” чиқиш ва Европа Иттифоқидида иқтисодий ва сиёсий алоқаларни диверсификация қилишга эришаётганининг яққол тасдиғидир.

“Бош вазири таширфи + инвестиция форуми” формати бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон раҳбарияти томонидан тизимли равишда илгари сурилаётган хусусийлаштириш ва инвестиция дастурини сиёсий қўллаб-қувватлашдан манфаатдорликни намоиш этади.

Савдо-инвестиция блоки, қишлоқ хўжалиги технологиялари, машинасозлик ва “яшил” энергия бўйича музокараларда

Словакия Ўзбекистонни нафақат экспорт бозори, балки бутун Евроосиё қитъасига чиқиш имкониятига эга ишлаб чиқариш маркази сифатида кўриб, муҳим ёндашувни намоиш этмоқда. Менимча, бу, айниқса, таъминот занжирларини қайта кўриб чиқиш ва глобал беқарорлик фонидида жуда долзарбдир.



Словакиянинг эътибори Ўзбекистоннинг жадал саноатлаштириш ва “яшил” бурилиш бўйича йўналишига, шунингдек, Словакиянинг янги савдо бозорлари ва хомашэ диверсификациясига бўлган эҳтиёжига табиий равишда мос келади.

Яна бир янги йўналиш — ушолган меҳнат миграциясидир. Словакиядаги ишчи кучи етишмовчилиги Тошкентга ЕИга малакали кадрларни жўнатиш, бунинг эвазига валютадан тушган тушумлар ва технологик ўқитиш бўйича миллий дастурларни илгари суриш имконини беради.

Бош вазири Роберт Фицонинг IV Тошкент халқаро инвестиция форумидидаги иштироки имкониятларни кенгайтиради. Шунингдек, имзоланган салмоқли битимлар ва “йўл хариталари” Словакияни ўзбек бизнеси учун Вишеград тўртлиги ёки кенгроқ айтганда, ЕИ бозорларига кириш учун муҳим дарвозага айлантиради.

Тазим АХТАР,
“Pakistan in the world” газетаси бош муҳаррири (Покистон):
— Таширф Марказий Осиё ва Марказий Европа ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик янги ва янада мазмунли босқичга кўтарилганини тасдиқлайди. Гап саноат, инвестиция, илм-фан, маданият ва миграция сиёсатини қамраб олган аниқ ҳамкорлик механизмларини ишга туширишга бўлган жиддий мақсадлар ҳақида кетмоқда.

амалга ошириш бўйича “йўл харита”сини келишиш ҳақида бормоқда.

Словакия Ўзбекистонни нафақат экспорт бозори, балки бутун Евроосиё қитъасига чиқиш имкониятига эга ишлаб чиқариш маркази сифатида кўриб, муҳим ёндашувни намоиш этмоқда. Менимча, бу, айниқса, таъминот занжирларини қайта кўриб чиқиш ва глобал беқарорлик фонидида жуда долзарбдир.

Академик алмашинувлар тўғрисидаги келишувлар, Словакия университетлари иштирокида илмий тадқиқот дастурларини йўлга қўйиш, маданий лойиҳалар ва ушолган меҳнат миграцияси бўйича муҳокамалар барқарор ҳамда ўзаро хурматга асосланган мулоқот учун шaroит яратди.

Бир сўз билан айтганда, Роберт Фицонинг таширфи нафақат Ўзбекистон — Словакия муносабатлари контекстида муҳим аҳамиятга эга, балки кенгроқ тенденция — Евроосиёда прагматизм, ўзаро манфаатдорлик ва реал ҳаракатларга тайёрлик асосидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги уфқларини шакллантириш рамизидир. Ўзбекистон, шубҳасиз, ушбу янги имкониятлар дипломатиясини жалб қилувчи марказлардан бирига айлана бормоқда.

“Дунё” АА

Экспертларнинг таъкидига кўра, мазкур таширф расмий Тошкент ва Братислава ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаш учун кенг имкониятлар очади. Таширф, шунингдек, аънанавий форматлардан ташқарига чиқди ҳамда савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий, таълим ва технологик каби истиқболли йўналишларни қамраб олди.

Кузгунчилик Словакия каби давлатлар билан мулоқот фаоллашгани Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқаларини диверсификация қилиш борасидаги изчил сиёсатидан далолат эканини таъкидламоқда. Ўзаро муносабатларнинг шaroитида Ўзбекистон Европа давлатлари билан кўп векторли ҳамкорликни йўлга қўймоқда, янги бозорларда ўз иштирокчини кенгайтириш, замонвий технологияларни жалб этиш ҳамда ишончли ва очик шерик сифатидаги мавқеини мустаҳкамлашга интиломоқда.

Антонио АЛОНСО,
Сан-Пабло университети Иجتимой тадқиқотлар институти профессори, Марказий Осиё минтақаси бўйича эксперт (Испания):



— Марказий Осиёдаги халқаро муносабатлар динамикасини яқиндан кузатиб бораётган тадқиқотчи сифатида 9 июнь куни Кўксарой қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Словакия Бош вазири Роберт Фицонинг ўртасида бўлиб ўтган музокараларни катта қизиқиш билан кузатдим.



“МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ” – ФИДОЙИЛИК МОҲИЯТИНИ АНГЛАШ МАЙДОНИ



Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Очиғи, курсдошимнинг нега менга бунчалик хирапашадай ёпишиб олганини ҳам, нима сабабдан университетдаги “исим” қахрамон бўлганини ҳам аниқ эслолмайман, бироқ устознинг жаноби сўзма-сўз ёдимда қолган. “Замонавий адабиётдаги қахрамонлар бугунги ҳаётимиздаги қахрамонлардир, уларни таний билишимиз, кези келса, улардан бирига айланганимиз зарур”, деганди қисқачина қилиб.

Кимдир мазах қилиш учун очилган гап ўшанди талабалар ўртасида росманасига баҳс-мунозара мавзусига айланиб кетганди. Ҳар ким ўз фикрини устун қўйишга уринар, биров қарандандир топиб келган иқтисосини рад этиб бўлмас далилдек орага ташлар, фикрини ўтказолмаганлари овозини баландлатар, хуллас, кимдир баҳо учун, яна кимдир билим учун тиришарди... Ҳозир ўйлаб қарасам, қахрамон ўзи ким, қахрамонлик нима деган савол баландларвоз ёки бош-кечи йўқ мавҳум жумла эмас, аксинча, бош қотиришга арзийдиган, жиддий, бугунимиз ва келажакка дахлдор муҳим масала экан.

Инсон қалбининг туб-тубида умид шами каби миттиллаб турган бир ёлқин борки, ҳатто киши ўзи ҳам баъзан унинг борлигини ёдидан чиқаради. У кўзга кўринмайди, бироқ ўша кичик машъала умр йўлини бир маромда ёритиб туради. У фавақулда содир бўлмайди, балки ҳаёт тарзига айланиб улгуради. Бу машъаланинг номи қахрамонликдир.

Инсоният тараққиёти давомида қахрамонликнинг кўламлари кенгайди. Ҳар бир тарихий босқич янги эҳтиёжларни туғдиргани каби янги қахрамонлик шакллари ҳам талаб қилади. Эндликда уни тор доирада — ҳарбий сафарбарликлар, урушлар билан чеклаш ижтимоий тафаккур ва тарихий онгни бир нуқтада тўхтайтиб қўяди. Аслида, қахрамонлик замонга мослашувчан, жамият эҳтиёжларига боғлиқ ҳолда шаклландиған мураккаб ҳодисадир. Шу боис, бугун қахрамонликни нафақат фронт ортида, балки қайноқ ҳаётнинг ҳар бир соҳасида, ҳар бир кишининг танловида ва ҳаракатида қайта талқин қилиш қатъий заруратга айланган.

Тарих руҳий таянч, қахрамонлик эса доимий эҳтиёждир

Исталган халқ тафаккурида ўзига хос тарихий генетик кодлар, урф-одат ва мотивлар мавжуд, у аслар мобайнида шаклланиди, бошидан ўтган ижтимоий синовлар, сиёсий фожиялар ҳамда маънавий юксалишлар орқали мустаҳкамланади. Ўзбек халқи онгидаги қахрамонлик руҳи ҳам шундай тарихий шаклланиш жараёни маҳсулидир.

Бугун бу руҳ фақат кўҳна обидаларгина акс этмайди, уни халқнинг тилида, қадриятида, маданиятида, ислохотларга ёндашувида кўриш мумкин. Шу сабабли қахрамонликни миллат руҳининг бир шакли сифатида қўриб чиқиш нафақат адабий ёки тарихий зарурат, балки ҳозирги жамиятда маънавий ўз-ўзини англаш эҳтиёждир.

Агар халқ ўтмишида қахрамонлар бўлмаганида, у эҳтимол миллат даражасида юксала олмас, нари борса, омма сифатида сўниб кетган бўларди. Негаки, миллатни қадрат ҳудуд эмас, балки уни сақлаб қолган умумғоя, ўзлик ҳисси ва унга суянилган қахрамонлар

бошқаради. Бу қахрамонлар доимо ҳаётимизда яшаб келган — улар баъзан жадид, баъзан улуг саркарда, баъзан эса сўз кимёғари сифатида майдонга чиққан.

Халқимизда “Юрт учун жон фидо” деган ибора бор. Бу йўл-йўлакай ўйлаб топилган гап эмас, балки онда муҳланган принцип. Бонси, ҳар бир тарихий босқичда бу принцип амалда намоён бўлган. Мустақиллигини сақлаб қолишга уринган ҳар бир миллат сингарии ўзбек халқи ҳам ўз тарихий борлигини айнан қахрамонлик руҳи орқали йўқотмаган. Бир неча минг йиллик ўтмишимиз солмонларига назар солинса, бунга талай миллатлар топиш мумкин, уларни эса аксариятимиз муйайн даражада биламиз, ҳеч бўлмаса бирор марта эшитганимиз.

Шунингдек, халқ тафаккурида қахрамонлик фақат душман устидан ғалаба билан ўлчанамайди, балки маънавий мукамалликка интилиш сифатида қаралади. Бу руҳий етуклик кўйлаб тарихий шахслар сиймосида мужассам топган. Улар ҳаётини миллатга бағишлаган, баъзан тарих сахналаридан четда ҳам қолган, аммо халқ хотирасида уларнинг тутуми, нияти, меҳнат услуби яшаб келмоқда.



“Кўпинча ислохотлар жараёнидаги энг кучли тўқнашув киши қалбида содир бўлади. Бу инсоннинг ўз ҳаловатига, қулайлигига, комфорт зонасига қарши курашидир. Ҳар қандай ислохот инсондан ўзини ўзгартаришни, масъулиятли бўлишни, танлов қилишни, ўз турмуш тарзини қўздан кечирини талаб қилади. Бу кураш нафақат сиёсий, балки маънавий майдон. Шу боис, бу майдонда курашаётган ҳар бир одам қахрамондир.”

Қахрамонлик замонга қараб ўз ифодасини янгилайди, лекин...

Қай бир мутафаккир “Миллат бу — хотира”, деганди. Чиндан, шундай. Бу хотира тинимсизлардан, архетиплардан иборат бўлади. Ушбу тинимсизлар маданий мерос бўлиш билан бирга, руҳий-генетик код, ҳаракатлантурувчи куч, ислохотлар сари силжишга ички компас вазифасини бажаради.

Бугунги ўзгаришлар даврида бу архетиплар қайта жонланяпти. Улар сиёсий доиралардан тортиб, халқнинг онгли хагги-ҳаракатларида, талқинларида, талабларида ўз ифодасини топмоқда. Қадимий тинимсизлар бугунги қарорлар, танловлар, бахслар, ислохотларга муносабатларда янгидан ҳаёт кечирмоқда. Кўҳна рамзлар миллат онгининг чуқур қатламида яшайди. Улар баён қилинмайди — сезилди, авлоддан авлодга кўчиб, муйайн образлар, қахрамонлар орқали яшайди: Алломиш, Гўрўғли, Фарҳод, Рустам, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди...

Улар тарихий шахси, афсонавий образи — бунинг аҳамияти йўқ. Улар ҳалқ онгида қай маъно билан яшайди, жамиятга қандай йўл кўрсатади, уларни эсланганда одамлар қанақа руҳий аҳволга тушади — ана шу сезим мумкин.

Бу образларни бирор тарихий давргагина хос дейиш мутлақо хато фикр, чунки халқ ўз руҳий ҳаракатида бу образларга муттасил эҳтиёж сезади. Улар орқали ўзининг ҳаракатини, қарорини, курашини асослайди.

Масалан, оддий бир устанинг масъулият билан қилган иши, бир мактаб директорининг жамоасига меҳр билан ёндашуви, давлат раҳбарининг дадил қарори — буларнинг барчаси тарихий хотирага таянади. Замонавий қахрамон — эски образнинг янги ҳаётдаги инъикоси. У ҳам аввалгидек ҳалол, жасур, садоқатли, лекин у энди билим, тамойил ва ахлоқ билан қуролланган. У энди бирор юртни забот этмайди, балки асрайди. У энди шон-шавкат учун эмас, келажак учун ҳаракат қилади. Бу ўзгаришлар тарихий илдизлар қайта униб чиқиши, янгилинидир. Демак, қахрамонлик замонга қараб ўз ифодасини янгилайди, лекин моҳиятини йўқотмайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тўқима образ ва тарихий шахслар бутун жамиятнинг ахлоқий, сиёсий, маданий йўналишига таъсир кўрсатади. Фарҳод меҳнат, Алломиш фидоийлик, Амир Темур куч-қудрат, Жалолиддин Мангуберди ватанпарварлик тинимсизлиги айланган. Улар орқали жамият ўзини англайди, меҳр белгилайди, йўл топади. Шунинг учун уларни унуттиш, фақат “музей экспонати” сифатида кўриш ўзликни унуттиш демакдир.

Мулоҳаза

атрофидаги муҳит, оиласи, маҳалласи, касби доирасида қахрамонлик фазилатини намоён эта олади. Қачонки, у бирор масалада тўғри, лекин оғир йўлни танласа, айнан шу пайтда у жамиятни ўзгариштириш жараёнида фаол субъектга айланади.

Бу фикр, айниқса, ислохотлар жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. Чунки ҳар қандай тизимли ўзгаришлар инсонлар, хусусан, фаол ва масъулиятли фуқаро мавжудлигига боғлиқ. Зотан, ўзбек халқининг тарихий онгидаги қахрамонлик руҳи шунчаки ўтган замон лавҳаси эмас, балки ҳозирги ҳаётга йўналтирилган ижтимоий ҳодисадир. Бу руҳ ҳозирги ўзгаришларга ҳам тарихий хотира, ҳам ички қувват манбаи сифатида хизмат қилиши мумкин. Бугун бу руҳни янгича талқин қилиш, уни янгилашган маънавий парадигма асосида халқ ҳаётига синдириш учун кўйлаб амалий ишлар қилинаётганини қувонарли.

Шу маънода, яқиндагина мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари хотирасини абадийлаштириш учун барпо этил-

ган мажмуа — “Миллат фидоийлари” хиёбонини очилиши ҳақида ҳам тўхталиш ўринли. Мазкур монумент халқимизга, айниқса, ёшларимизга миллатнинг асл қахрамонларини танитиши, бу фидоийликлар моҳиятини англаштириш ва пиروвардида айнан қахрамонлик руҳини уйғотишга хизмат қилади.

Халқ ислохотларни эмас, ўз имкониятларини кутиб яшайди

Қанчалик тизимли бўлмасин, ҳар қандай ислохотнинг муваффақияти жамиятдаги ички руҳий ҳаракатга боғлиқ. Бу ҳаракатни қонунлар эмас, айнан руҳият бошқаради. Бугунги ўзгаришларни фақат давлатнинг ташаббуси сифатида талқин қилиш етарли бўлмайди. Уларнинг ортида узоқ йиллар шаклланган ижтимоий эҳтиёж, руҳий бўртма ётади. Бу буртма халқнинг ўз ўтмишидан, дарадларидан, орузларидан келиб чиққан талабдир.

Халқ ислохотларни эмас, аслида ўзини кутиб яшайди — ўзининг имконияти, адолати, салоҳияти шаклини. Бу кутиш бирдан пайдо бўлмайди, бу қахрамонлик руҳининг ҳозирги замондаги бир кўринишидир. Бундай қахрамонлик шундай ижтимоий ҳолатларда мустаҳкам бўлади — уни халқ ички тайёргарлик билан кутиб олади, амалга оширувчи давлат эса буни тўғри англаган ҳолда шунга монанд ҳаракат қилади. Шундай экан, ислохотлар контекстида қахрамонлик бевосита ўзгаришларга ички тайёргарлик, уни амалга оширишга бўлган шижоат, масъулият, ишонч, керак бўлса, қаршиликларга бардош беришидир.

Замонавий, тез ўзгаришчан муҳитда ҳаракат қилишнинг ўзи етарли эмас, қарор қабул қилиш зарур. Бу қарорлар кўпинча ижтимоий қаршиликлар, аънавий қарашлар, илгари ўргатилган доғмалар билан тўқнашади. Аммо айнан шундай паллаларда ислохотчи — оддий фуқаро бўладими, раҳбар бўладими — ўзининг қахрамонлик қиёфасини топади.

У энди қилич эмас, принцип кўтарган жангчидир. Бу жанг майдонида шовқин йўқ, лекин ҳар бир қарор, ҳар бир имзо ортида ўзига хос кураш ётади. Тўсиқларни қисқартириб, имкониятларни кенгайтиришга уринган бир раҳбар, порига қарши очик позицияда турган бир ходим, қонунга мувофиқ фикр билдирган фуқаро — буларнинг ҳар бири шу йўлдаги курашчилардир. Уларнинг кураши эҳтимол жамоат олдида содир бўлмас, бироқ кўпинча кабинет ичида, ички конфликтда, ҳатти-ҳаракат устуворлигида кечади. Бу замонавий қахрамонлик кўринмас, аммо ижтимоий структурани тубдан ўзгартариш кучига эга.

Кўпинча ислохотлар жараёнидаги энг кучли тўқнашув киши қалбида содир бўлади. Бу инсоннинг ўз ҳаловатига, қулайлигига, комфорт зонасига қарши курашидир. Ҳар қандай ислохот инсондан ўзини ўзгартаришни, масъулиятли бўлишни, танлов қилишни, ўз турмуш тарзини қўздан кечирини талаб қилади. Бу кураш нафақат сиёсий, балки маънавий майдон. Шу боис, бу майдонда курашаётган ҳар бир одам қахрамондир.

Сукутдаги ҳаракат, ҳаракатдаги сукут

Дунё бугун баланд овоз, даъволар ва шиорлар билан тўлган. Аммо энг муҳим ўзгаришлар кўпинча сукутда рўй беради. Қахрамонлик ҳам айнан шундай: у энди инсон ботинида, онгида ва иродасида пинҳон ётади. Бу ҳар қандай шарафсиз инсоний фазилатларни йўқотмаслик, шароитга қараб эмас, эътиқодга қараб яшаш жасоратидир.

Тарихда қахрамонлик кўп ҳолларда воқеалар билан белгиланади, бугун эса у қарорлар билан ўлчанамоқда. Қийин, бироқ тўғри йўлни танлаш қарори, бошқалар учун манфаатли ишни қилиш қарори...

Қахрамонлик энди фақат ўтмиши фахрда эслаш билан чегараланмайди. Бугунги қахрамон кишиларга ўрнатилган қоида қолмай, уларга тиргак, таянч бўла оладиган инсондир. Демак, бизга бугун тинимсизлар билан бирга туғулган, собит йўлбошчи билан бирга мана шу йўлдан дадил одамлардан масъулиятли одамлар ҳам керак. Биз эса, устозим айтганидек, уларни таний билишимиз, кези келса, улардан бирига айланишимиз зарур.



“ВАТАН ТАЯНЧИ” – НАВҚИРОН АВЛОД ИШОНЧИ

Бугунги кунда юртимизда ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилаётган юксак эътибор давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати бу борада улкан аҳамият касб этиб, минглаб ёшларни ватанга муҳаббат ва садоқат каби эзгу гоёлар атрофида жипслаштирмоқда.

“Ватан таянчи” ҳаракатини ташкил этишдан қўзланган асосий мақсад мамлакатимизда жисмонан ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг қалбида юртга меҳр ҳамда садоқат туйғуларини камол топтириш, миллий қадриятларимизга, армиямизга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантиришдан иборат. Бу саъй-ҳаракатлар давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари билан ҳаммаҳас бўлган. Шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 2 мартдаги “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарорга мувофиқ, умумий ўрта таълим мактабларига чақирувга қадр бошлангич тайёргарлик фани ўқитувчилари раҳбарлигида 20 нафардан ўқувчи-ёш “Ватан таянчи” отрядларига аъзо қилинмоқда. Ҳаракат қамровини янада кенгайтириш мақсадида Президент, ижод, спорт ва ихтисослаштирилган мактаблар ҳам “Ватан таянчи” отрядларини ташкил этиш белгиланди. Бу эса, ўз навбатида, турли йўналишлардаги иқтидорли ёшларни ватанпарварлик гоёлари остида бирлаштиришга хизмат қилмоқда.

Ҳар ўқув йилида Мудофаа вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи ҳамда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти билан ҳамкорликда “Ватан таянчи” ҳаракати отрядларини шакллантириш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда аъзоларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида



Акобир НУРИЛЛАЕВ, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати раҳбари, подполковник

онига синдириш мақсадида фахрийлар ва нурунийлар билан учрашувлар ўтказиш аънамага айланган.

“Эзгу амал” шиори остида саховат қарвонлари ташкил этилиб, отряд аъзолари кексалар ва кўмакка муҳтож фуқаролар ҳолидан хабар олиб, уларга амалий ёрдам кўрсатмоқда. Бу эса ёшлар қалбида меҳр-оқибат, саховатпешалик каби фазилатларни шакллантиради. Шунингдек, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш мақсадида турли викториналар, танловлар, “Заковат” ўйинлари, маданий-маърифий тадбирлар, китобхонлик кечалари ва концерт дастурлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.



тарбиялаш бўйича амалий чора-тадбирлар “йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, 10 минг 27 та умумий ўрта таълим ҳамда 210 та Президент, ижод, ихтисослаштирилган ва спорт мактабларида “Ватан таянчи” отрядлари ташкил этилган. Бугунги кунда ушбу отрядларга 200 мингдан зиёд ўқувчи қамраб олинган бўлиб, уларнинг 141 минг 848 нафарини ўғил болалар, 62 минг 169 нафарини эса қизлар ташкил этади. Бу рақамлар ҳаракатнинг ёшлар орасида тобора оммалашиб бораётганидан далолат беради.

Қарорда “Ватан таянчи” отрядларининг асосий вазибалари аниқ белгилаб берилган бўлиб, улар томонидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қўмондонлик вакиллари, ёшлар ҳамда уч авлод вакиллари иштирокида мунтазам учрашувлар ўтказилиб, уларда ёшлар ватанпарварлик, қахрамонлик аънавалари билан яқиндан танишадилар. Умумтаълим мактабларининг “Ватанпарвар” ташкилотининг ўқув-спорт техника клубларида амалий ва техник йўналишлардаги турли тўғараклар фаолият кўрсатмоқда. Бу тўғараклар ёшларнинг техник билимларини оширишга ва касб-хунарга йўналтиришга хизмат қилади.

Отрядлар томонидан спорт ва ҳарбий-спорт мусобақалари мунтазам равишда ташкил этилади. Бунок аждодларимиз хотирасини ёд этиш, уларнинг бой меросини ўрганиш мақсадида тарихий обидалар, кутубхоналар, музейлар ва театрларга ташрифлар уюштирилади. Юрт озодлиги йўлида жонини фидо қилган ватандошларимизни хотирлаш, уларнинг жасоратларини ёш авлод

Олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришда “Ватан таянчи” ҳаракати аъзоларига бериладиган 5 фозли имтиёзга тавсияномалар ҳам ўз самарасини бермоқда.

Ҳаракат аъзолари орасида ўқишда ва спортда тендошларига ўрнат бўлиб келадиган ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Масалан, Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги 298-мактабнинг 11-синф ўқувчиси, “Ватан таянчи” отряди аъзоси Аббосхон Абзалхонов 2023 йил Қозғистонда ўтказилган “Айбин-23” халқаро ёшлар ҳарбий-ватанпарварлик спорт мусобақасининг робототехника йўналишида фахрли 1-ўринни эгаллади. У 2024 йилда мудофаа соҳасида ўтказилган “MSITP” мусобақасида ҳам 1-ўринни кўлга киритди. Аббосхон АҚШдаги “WINGATE” халқаро университетига муддатидан олдин ўқишга кириш учун 27 минг долларлик грант ютиб олган.

Яна бир иқтидорли ёш — Тошкент вилояти Ангрэн шаҳридаги 19-мактабнинг 10-синф ўқувчиси, “Ватан таянчи” ҳаракати аъзоси Улугбек Аҳмадалиев 2023-2025 йилларда қарат эбўйича фахрли 1-ўринни кўлга киритиб, ҳозир уч қавра Осие чемпиони деган юксак номга сазовор бўлган. Хулоса қилиб айтганда, “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати қисқа вақт ичида ёшлар ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, уларни юртга муҳаббат, миллий гурур ва ифтихор руҳида тарбиялашда, жисмонан ва маънан етук инсонлар қилиб камол топтиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ҳаракат келгусида ҳам ўз сафини кенгайтириб, ёш авлоднинг чинакам таянчи ва сунъига айланишига ишончимиз комил.

Фестиваль

Бухоро мўъжизаси

ХАЛҚАРО ИПАК ВА ЗИРАВОРЛАР ФЕСТИВАЛИ ХАЛҚИМИЗНИНГ АСРИЙ АНЪАНАЛАРИ НАМОЙИШИ

Ўтган ҳафта кўна ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳри навбатдаги XXI Ипак ва зираворлар фестивалига мезбонлик қилди. Шу кунлари бутун шаҳар юртимиз хунармандлари қўлида жило топкан атласу адрас, бекасаму сақизтепкларга бурканамиз...

келганлар юртимиздаги тинчлик ва оқоёнлик, фаровонлик ва тўқиллик ҳавас қилди. — Фестиваль номининг ўзидек рамзий матноларга ишора қилади. — дейди Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Ҳалим Тураев. — Буюк ипак йўлида шакланган савдо алоқалари халқлар ўртасида ўзаро маданий ва илмий мушаррафликка, Шарқ Ренессансига асос солган эди. Кейинчалик Европада Шарқдан арзон зиравор олиб келишга уринишлар денгиз йўлининг кашф этилиши ва Европа тараққиётига сабаб бўлган. Демак, икки қитъанинг тараққиёт илдизлари бир нуқтада жамлаган бу фестивал янги Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанс йўлидаги савдо ва маданий алоқалар кенгайишидаги ўзига хослик, десак муболага бўлмайди.

таклиф этилганлар, холос. Қолаверса, айни пайтда баҳорги сайёҳлик мавсуми якунига етётганига қарамай (Бухоронинг табиий иқлимидан келиб чиқиб сайёҳлар асосан, мўътадил фаслларда, яъни баҳор ва кўзда келади), Бухорода 20 мингдан ортиқ хорижийлик бўлиб турибди. Бу эса бевосита фестивални кўриш истагида сайёҳларнинг сафар муддатини узайтирганини кўрсатмоқда. — Бухорога беш йил илгари келганман. Бу гал саёҳатимни атай фестивал кунларига тўғриладим, — дейди Америкалик Дэвид Картер. — Шу беш йилда шаҳрингиз бутунлай бошқача кўр-кўрянгини кўришга имконият берди. Хусусан, қатор давлат фуқароларига Ўзбекистонга визасиз кириш имконияти яратилгани, сайёҳлар учун тури фестиваллар ўтказилиши ва бошқа кўнгилчорлар туризм хизматлари кўрсатилиши келувчиларнинг кескин кўпайишига замин ҳозирламоқда. Бухорода халқаро даражадаги Wyndham, Mercure, Ramada, Sahid номли меҳмонхона брендлари иш бошлади. Замонавий ресторанлар, гастрономик, кишлоқ ва саҳро туризми каби хизматлар кўпайди. Бунинг натижасида сўнгги беш йилда Бухорога сайёҳлар келиши уч баробар ошди. Кейинги йилларда Бухоро шаҳрига Қоҳира (Миср) ва Бамако (Мали) шаҳарлари қаторида “Ислом олами маданияти пойтахти”, “Бутунжаҳон хунармандлар шаҳри” мақомлари берилган. “Диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик” йўналиши бўйича Бухоро декларацияси қабул қилинган, Пойи калон мажмуаси “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 8-мўъжизаси” сифатида эътироф этилган, шунингдек, машҳур The New York Times наشري томонидан Бухоро шаҳри 2025

ларнинг “Мўъжизалар қарвони” тантанали юриши билан бошланди. Қарвонга маҳаллий аҳоли, хорижийлик сайёҳлар ҳам қўшилди. Фольклор жамоаларининг чиқиши, ипак ва миллий хунармандчилик маҳсулотлари ҳамда зираворлар савдоси кўргазмаси, зардўзлик, темирчилик, ипак гиламлари, каштадўзлик, қандакорлик, бадий ва миниатюра санъати маҳорат билан намоён бўлди. Фестиваль доирасидаги халқаро илмий-амалий анжуман, “Палов сайли” миллий таомлар танлови, маҳаллий ва хорижий дизайнерлар иштирокидаги махсус модлар намоиши, тасвирий ва амалий санъат миллий галереяси ҳамда суратқашлар кўргазмаси ҳам ўтказилди. Миллий ва спорт ўйинлари намоиши фестивалнинг янада қизгин ўтишига ҳисса қўлди. Бухоро рамзига айланган Миноран калон қаршида буюк аллома Абу Али ибн Синонинг Рубик кубикларида моҳирлик билан ишланган сурати намоён бўлди. Бу санъат асарини нафақат ноанъанавий ижод намунаси, балки улуг табибнинг бебаҳо меросига чуқур хурмат ифодасидир. Кун давомида чуқури пичоқчилар, риштонлик кулоллар, марғилонлик атлас ва адрас тўқувчилар, бухоролик зардўз ва қандакорлар, сурхондарёлик каштадўзлар, тожикстонлик ва киргизистонлик тикувчи-дизайнерлар, чеварлар маҳсулотлари билан қатнашди. Моҳир усталар ясаган бетакор санъат асарлари, серкўш ўлкамининг шифобахш ўсимликлари ва зираворлар, хаттотлар ва мусаввирлар яратган қўлёзма китоблар ва миниатюралар хорижийлик меҳмонлар эътирофига сазовор бўлди. Катта миқёсда эътироф этилиб, 21-мартаба ўтказилаётган аънанавий халқаро “Ипак ва зираворлар” фестивали хунармандчилик, маданият ва санъат йўналишларидаги аънаёларни қайта тиклашга хизмат қилиши билан бирга аҳоли ва сайёҳларнинг маданий ҳордиқ чиқариши йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Хусусан, жорий йил 27 январь куни “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт йили” давлат дастури лойиҳаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз бу борадаги асосий йўналишларни белгилаб берган эди. Қайта тикланувчи энергия улушини 26 фоизга етказиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш орқали ресурсларни иқтисод қилиш шулар жумласидан. Асосий мақсад — иқтисодий самардорликни экологик масъулият билан уйғунлаштириш. Бу вазифалар давлатимиз раҳбарининг жорий йил 30 майдаги “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳамда ўрмонларни бошқариш тизимида ислохотларни изчил давом эттириш, яшил ҳудудларни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлигини фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мустаҳкамланди.

Хужжатга кўра, бу борадаги ишлар янада жаддалаштирилади. Жумладан, 2025 йил 1 октябрдан бошлаб “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида жамоатчилик иштирокини ошириш, “Яшил макон” электрон платформасида очилкини таъминлаш ва рақамлаштиришга қаратилган механизмлар жорий қилинади. — Фармонда аҳоли ташаббуси билан дархаст қилиниши мумкин бўлган аниқ ҳудуд, сув таъминоти, кейинчалик парвариш қилиш имконияти ва дархастларнинг турлари кўрсатилиши жуда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ўрмон хўжалиги агентлиги масъул ходими Дилноза Жўраева. — Шунингдек, ўрмон фондида кирмайдиган дархаст ва буталарнинг қимматбаҳо навларини қонунга хилоф равишда кестан ёки йўқ қилган шахслар томонидан компенсация сифатида экилган дархаст ва бута қўчатлари ҳисобини юритиш тизими жорий этилади. Шу ўринда яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтиш зарур. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан қилинадиган ишлар жамоатчиликка “хар бир тирин сарфланганини кузатиш” тамойили асосида онлайн етказилади. Дархаст ва буталарни кесиб учун рухсатнома бериш юзасидан мувожабат қилган шахс тўғрисидаги маълумот, кўчирилши ёки кесилиши таклиф этилаётган дархаст ва кўчириш сабаби, аниқ манзили, жойлашви, фото ва видеотаъсирларни акс эттирилади.

Туризм имкониятларининг ўзига хос кўзгуси

Муҳим далил: фестивалда ўндан ортиқ хорижий мамлакатдан 82 хунарман ва расмий меҳмон қатнашди. Бу фақат расман



Фестиваль хорижий меҳмонлар нигоҳида

Гўкхан ШЕНЕР (Туркия): — Шаҳарнинг тарихий қисмидаги бетакор мезморий обидаларни ҳайрат билан томоша қилдим. Тасодифин қарангки, сафарим “Ипак ва зираворлар” фестивалига тўғри келибди. Бетакор хунармандчилик маҳсулотлари, фольклор қўшиқлари менда катта таассурот қолдирди. Ўзбек муסיқаси биз учун ҳам қадри. Уларда миллий муסיқамиз билан қандайдир уйғунлик бор. Имкон туғилса, келгуси фестивалга, албатта, келаман.

Зобо РАЗАВИ (Эрон): — Фестивалда ипак маҳсулотлари билан иштирок этишимиз. Хунармандлар учун бу ерда барча шароит муҳайё. Маҳсулотларимизни сотиш билан бирга бошқа касбдошларимиз билан тажриба ҳам алмашаямиз.

Туаривади КУТИЛАД (Ташланд): — Фестиваль менга жуда ёқди. Ўзбек адрасларидан харид қилдим. Муסיқаларига рақс тушдим. Аслида, бу ерда фақат тарихий обидаларни кўриш учун келгандик. Фестиваль баҳонасида саёҳатимиз янада мароқли бўлди.

Халқимизнинг асрий урф-одатлари, миллий хунармандчилик ва амалий санъати, муסיқа, рақс, халқ озаки ижоди, қисқаси, бой маданий меросимизни сақлаш, тиклаш, юртимиз ва хорижда кен тарғиб этишдек юксак мақсадни ўзида мужассам этган тадбир учун мобайнида иштирокчиларга илқ қайфият улашди. Хорижий меҳмонлар ва саёҳатчилар учун меҳр ва маданият ришталарини мустаҳкамлади. Барча жараён маҳаллий ва хорижий телеканаллар орқали онлайн ёритилди. Ёпилиш маросимига бағишланган гала концертда мамлакатимизнинг таниқли санъаткорлари ўз чиқиши билан қатнашди. Шунингдек, фестивалда намуналий иштирок этганлар орасидан турли номинациялар бўйича глобллар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

Ақбар РУСТАМОВ, Зулфизар МАВЛОНОВА

Яшиллик, экологик барқарорлик, атроф-муҳит мусаввирлигини таъминлаш бир йиллик тадбир эмас, “яшил” келажак кўзланган умуммиллий ҳаракатлардир. Зеро, “Яшил макон” умуммиллий дастури доирасида ҳар йили 200 миллион туپ дархаст экилмоқда. Утган уч йилда 698 та боғ ва 316 та жамоат парки ташкил этилди. Орол денгизининг қуриган тубидаги 2 миллион гектардан ортиқ майдонда бутазор барпо этилди.

Дархастларни қонунга хилоф равишда кестан жисмоний ва юридик шахслар, ушбу ҳуқуқбузарликлар ва улар юзасидан қўрилган чоралар бўйича “Яшил макон” электрон платформасига доимий равишда маълумотлар киритиб борилади.

Бундай хайрли ишларни давом эттирган ҳолда жорий йилда 18 та ўрмон хўжалиги ташкил этилди. Уларда “илм — лойиҳа — амалиёт” тамойили асосида генетик селекция ишлари кучайтирилиб, уруғчилик лабораториялари, интенсификация участкалари ва оналик плантациялари йўлга қўйилди. Ушбу хўжаликларда шу йилнинг ўзида 123 миллион туپ қўчат тайёрланади. “Яшил олам” платформаси ишга туширилиб, уларни онлайн сотиб олиш имконияти яратилди.


Шу билан бирга, хужжатда малакали мутахассисларни тайёрлаш масаласи ҳам белги-ланмоқда. 2025-2026 ўқув йилидан Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (Green University) ва “яшил” техникумларда дарс жараёналари дуал таълим шаклида йўлга қўйилди.

Фармонда 2025 йил 1 январдан бошлаб дархаст ва бута қўчатларининг кўмурувчанлиги, яшовчанлиги, касаллик ва зараркундаларга чидамиллигини оширишнинг мақсади кўрсаткичлари белгиланди. Хусусан, уруғчилик лабораторияларида ҳудудларнинг иқлим шароитига мос ўсимлик турларидан оналик плантациялари ташкил қилинади, давлат ўрмон хўжаликлари томонидан етказиб берилаётган қўчатлар ҳажми 2 баравар оширилади.

Илмий-амалий машғулотларни ташкил этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ботаника ва гендерология боғлари барпо этилади.

Ўтган даврда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ўзига хос тизим яратилди.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Ислохотлар амалда

ТАДБИРКОРЛИК ВА САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Юртимизнинг барча ҳудудида ташкил этилаётган ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари импорт қилинаётган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш, саноатни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва янги иш ўринлари очишда йирик драйверга айланди.



талаб ортиши ва бюртма келиб тушиши натижасида табиёт жиҳозлари ишлаб чиқара бошлади. Бу орқали янги иш ўринлари очилиб, фойда микдори ҳам ошди.

— Бундан ташқари бир йилдан буён ишлаймиз. 2,5 миллиард сўмлик кредит олдик ва фаолиятимизни бошладик. Корхонамиз табиий анжомлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ҳозир 20 турдаги табиий ускуналар ишлаб чиқаряпмиз. Шу билан бирга, бюртма асосида темирдан жиҳозлар тайёрлаймиз, — дейди тадбиркор Жасурбек Эшназаров.

Жумладан, Сурхондарё вилоятида ташкил этилган 51 та саноат зонасида 2025 йилнинг шу даврига қадар 58,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 21 апрелдаги “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Термиз шаҳридаги “Тинчлик” ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида замонавий талабларга жавоб берадиган иншоотлар қад ростилади.

Тадбиркорлик зонасидаги қўлай имконият ва имтиёзлар натижасида кўпайи 3 миллиард сўмга тенг полиэтилен қувур ишлаб чиқариш корхонаси ҳам ишга туширилди.

— Жорий йил февралда ишлаб чиқаришга Ҳозир 6 кишини иш билан таъминлаганимиз. Хар кун 1500 дан 3000 метрғача қувур ишлаб чиқаряпмиз. Корхонамизда 8 турдаги қувур тайёрланади. Уч хил хомаёдан фойдаланилади. — дейди тадбиркор Анвар Турсунов. Шу ўринда ҳудудда фаолият юритаётган лойиҳаларга эътибор қаратсам. Айни пайтда 15 та лойиҳа қурилиш материаллари, 10 таси кимё саноати, 9 таси мебель, 5 таси эса озиқ-овқат ва яна 3 таси бошқа саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилишга ихтисослашган.

Саноат зонасидаги 27-лотда тадбиркор Фотима Аннаева фаолият юритади. Лойиҳа қиймати 2 миллиард 500 миллион сўмдан ортиқ бўлган корхонада кўрпа, ёстиқ ва турли тўшамалар тикилади.

ишлаб чиқариш майдонлари негизда замонавий корхоналарни ташкил этишда бу каби кичик саноат зоналарининг ўрни катта. Чунки бу ерда зарур шароит мавжуд.

Бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ички бозор ҳамда қўшни давлатларга ҳам чиқарилмоқда. Келгусида Европа давлатлари билан ҳамкорлик ўрнатилиши ниятида.

— Вилоятдаги саноат зоналарида муҳандислик-коммуникация тизими самардорлигини ошириш, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи лойиҳа ташаббусларини жалб этиш, тадбиркорлар билан елкама-елка туриб, лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш учун яқиндан кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратишмоқда, — дейди Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг “Кичик, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари бошқаруши бўйича ягона дирекция”си бош мутахассиси Жасур Ҳайдаров. — Вилоятдаги барча саноат зонаси инфратузилма билан таъминланган. Йўл, сув, электр энергияси, газ тармоғи тўлиқ ўтказилган. Бу тадбиркорларнинг кенг қўламада фаолият бошлашига имкон яратяди. Ишбилармонлар ер солиғидан озод қилинган.

2025 йилнинг январь-апрель ойларида Сурхондарёда 4 триллион 578,7 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,5 фоиз кўп. Вилоятда бу йил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қиймати 17,4 триллион сўмга етказиш режалаштирилган. Бундай ўсишда саноат зоналаридаги лойиҳаларнинг ҳам алоҳида ўрни бор.



— Президентимизнинг “Сурхондарё вилоятида ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамағармаси ҳисобидан 40 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилган, — дейди Сурхондарё вилояти ҳокимлиги “Кичик, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекция”си директори ўринбосари Бобур Орлов. — Бу эса ҳудудда қўлай ишбилармонлик шартлари яратиш, юқори қўшилган қийматли рақобатбардод маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга хизмат қиломоқда.

Саноат зоналари ташкил этилганига ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, уларнинг аҳоли турмуш даражасини оширишдаги аҳамияти яққол сезилмоқда. Қисқаси, бутун мамлакатимиздаги саноат тармоқлари қанча ривожлansa, давлатнинг иқтисодий ва экспорт салоҳияти шунчалик ортади, халқимизнинг фаровонлиги янада юксалади.

Сарвар Тўраев, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Қабул — 2025

ЁШЛАРНИ БИЛИМГА ЧОРЛАШ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ЖАРАЁНИДА ҲАМ ЎЗ АКСИНИ ТОПМОҚДА

Бугунги кунда мамлакатимизда сони 200 дан ошган олий таълим муассасаларининг аксарияти нодавлат таълим даргоҳлари ҳамда нуфузли университетлар филиалларидир. Нодавлат секторнинг ривожланиши, рақобат муҳити шаклланаётгани фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқини кафолатлашга хизмат қилапти. Эътиборли жиҳати, ҳозир ёшларимиз хоризгга бориб таълим олишдан қўра, ўзимизда, энг замонавий билим юртларида ўқишни афзал кўрмоқда. Бойси, бу ерда яратилган шарт-шароит ва имкониятлар чет элликдан деярли фарк қилмайди. Шу каби жозоба ва имиж туфайли ўқил-қизларимизнинг олий таълимга қамров даражаси тўққиз фоиздан қирқ икки фоизга кўтарилди.




Равшан ДЎСМАТОВ,
техника фанлари бўйича фалсафа
доктори, доцент

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони соҳа тараққиётини янги bosқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Чунки концепцияда мутахассисларнинг меҳнат бозорига ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар бўлишига қаратилган чоралар белгиланган. Олий таълим муассасаларини bosқичма-bosқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, инфратузилмасини яхшилаш, олий таълим билан қамров даражасини ошириш назарда тутилган.

Ўқил-қизлар учун шу қадар кенг имкониятлар яратилгани, уларнинг ҳаммаси энг замонавий фикрловчи сифатли кадрларни етиштиришга қаратилган. Мухими, шаффоф ва ҳаққоний тизим ёшлар орзуларига қанот бағишламоқда.

Жорий йилнинг 5 июнидан давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 24 майдаги “Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, 2024-2025 ўқув йили учун давлат олий таълим муассасаларига қабул бошланди.

Ўтган йилдан бошлаб bosқичма-bosқич жорий этилган янги тартиблар бу йил ҳам давом



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Замонавий рақобатбардош кадрларни етиштириш, ўз навбатида, олий таълим тизимига инновациялар киритишни талаб қилмоқда. Глобаллашув шароитида мамлакатимиз келажагини ташаббускор, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларни тасаввур этиб бўлмайди.

Яна бир энг муҳим жиҳат шундан иборатки, концепция асосида олий ўқув юртларида қамров даражаси кенгайтирилди, амалиёт рақамли технологиялар ва таълим платформалари кенг жорий этилмоқда.

Рақамлаштириш сифатни яхшилаб, шаффофликни таъминлайди

Бугун замонавий ахборот технологиялари ижтимоий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Қолаверса, бу жараён барча соҳалар тараққиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, “НЕМИС” ахборот тизими олий таълим жараёнларини осон бошқаришга, таълим сифати юксалиши ҳамда шаффофликни таъминлашга ёрдам бермоқда. Масалан, Тошкент давлат техника университетига ушбу тизим жорий этилиши натижасида статистик ҳисоботлар, гуруҳ журналлари, ўзлаштириш қайноmaları, дарс ва имтиҳон жадваллари, диплом ҳамда академик маълумотларни бевосита кузатиш имконияти яратилди.

Олий таълим тизимида bosқичма-bosқич жорий этилаётган рақамли ёндашувлар 2024/2025 ўқув йилида сезиларли натижа берди. Жумладан, “Эдубиллинг” ахборот тизими орқали талабалар учун тўлов-контракт, қайта ўқиш ва талабалар турар жойлари билан боғлиқ шартномалар электрон шаклда расмийлаштирилди. Хусусан, тўлов-контракт асосида ўқиш, қарздор фанларни қайта ўқиш истагини билдирган талабалар, шунингдек, талабалар турар жойларига жойлаштириш бўйича минглаб шартнома онлайн шакллантирилди. Бундан ташқари, магистратура, иккинчи мутахассислик, ўқишни кўчириш ва тиклаш каби йўналишларда аризалар юбориш тўлиқ рақамлаштирилиб, электрон тарзда қабул қилинди.

Урганиш ва таҳлиллар кўрсатмоқдаки, ёшлар, ота-оналар ва кенг жамоатчилик бу каби рақамлаштириш ишларидан мамнун. Бойси, улар вақтини, маблағини тежаб, сифатли давлат хизматларидан баҳраманд бўляпти. Эндиликда ёшлар олий таълим муассасасига ҳужжат топшириш учун йўл bosиб, вақт ва маблағ сарфлаб ўтирмайди. Шундоққина онлайн платформага кирдию, ўзи хоҳлаган йўналишга ариза топширади. Сўнг яна ўстида ишларни давом эттиради.

Агар абитуриентнинг фикри ўзгариб қолса, аризани олиб, яна bosқасига йўналтириши мумкин. Хуллас,

этирилади. Яъни қабул икки bosқичда — “Аввал тест, кейин танлов” тамойилига мувофиқ амалга оширилади. Унга қўра, абитуриентлар аввал тест синовларини топширади, сўнг ўз натижаларига қараб 15 кун ичида олий таълим муассасаси, йўналиш ва ўқиш шаклини танлайди. Ушбу тартиб абитуриентларга ўз билим даражасига мос равишда йўналиш танлашда адолатли имконият яратади.

Яна бир гап. Эндиликда давлат гранти тўрт йилга бир марта эмас, балки ҳар ўқув йили учун қайта ажратилади. Яъни талаба ўқиш давомида юқори ўлаштириш кўрсаткичини сақлаб қолса, грант асосида таълим олишни давом эттиради. Демак, талаба ўз устида мунтазам ишлаб, билимини ошириб боради. Натижада талабалар ўртасида илмий ва амалий фаоллик юксалади, соғлом рақобат муҳити шаклланади. Юқори рейтингга эриша олманлар эса тўлов-шартнома асосида тахсилни давом эттиради. Албатта, улар кейинги ўқув йилида пишиқ-пухта ўқиш, грант асосидаги таълимга ўтишлари мумкин.

Шунингдек, жорий йилги қабулда II ва III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар тестда махсус шартлар, узайтирилган вақт ва ёрдамчи воситалар билан таъминланади. Улар учун алоҳида квоталар мавжуд.

Етим ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган шахслар қонунийликда белгиланган тартибда алоҳида квоталар асосида ўқишга қабул қилинади. Ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари, чекка ҳудуддаги мактаб битирувчилари, қалқор олим-пилада ғолиблари, имтиҳонсиз қабул қилиш учун сертификатга эга бўлганлар тегишли ҳужжатлар асосида имтиёзлар олади.

Абитуриентларда С1 даражадаги тил билиш сертификати мавжуд бўлса, тегишли фан бўйича тест топширишдан озод қилинади ёки имтиҳонда максимал балл берилади.

Бу йилги ўзгаришга қўра, чет тил биринчи фан бўлган, чет тил асосий фандан танланган йўналишлар учун абитуриентда тил сертификати мажбурий бўлади.

Бу йилги қабулнинг яна бир эътиборли жиҳати шуки, сиртқи таълим шакли тўхтатилди. Энди талабалар, асосан, кундузги, кечки ва масофавий шаклларда ўқиши мумкин.

Кам таъминланган оилалар фарзандлари учун контракт тўловини давлат томонидан қоплаб бериш тизими сақлаб қолинди. Ушбу тизим “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” орқали баҳоланади.

Умуман олганда, юртимизда олий таълимга қабул тизими bosқичма-bosқич янгиланиб бормоқда. Бу янгиланишлар ёшларга қулайлик яратиш баробарида уларни илмга ундаётгани билан аҳамиятлидир.

Иссик жоннинг иситмаси бўлади. Кимдир кунда-кунора тиббиёт муассасаларига мурожаат қилиши, баъзан эса тез тиббий ёрдамга зарурат сезиши табиий. Тез тиббий ёрдам соғлиқни сақлаш тизимининг ажралмас қисми бўлиб, ўта муҳим вазиятларда одамлар ҳаётини сақлаб қолиш ва соғлиғини яхшилашда асосий роль ўйнайди. Холатлар турли бўлиши мумкин, аммо соҳа ходимлари олдида қўйилган талаб ва вазифа бир хил: тиббий ёрдам тез, самарали ва ўз вақтида кўрсатилиши керак. Зеро, инсон ҳаёти, яшаш ҳуқуқи билан боғлиқ масалада суствашиққа йўл қўйиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Соғлом ҳаёт

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ, ЯШАШ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ

БУНДА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМНИНГ ЎРНИ АЛОҲИДА

Шу боис, бугун юртимизда мазкур ҳаётини соҳа бутунлай трансформация қилиниб, тизимнинг моддий-техник базаси тубдан янгиланмоқда. Айниқса, кейинги йилларда унинг фаолиятини янада такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар қилинди. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 16 июндаги тегишли қарори муҳим аҳамият касб этаётир. Ушбу ҳужжатга қўра, юртимизда Республика тез тиббий ёрдам маркази ташкил этилиб, унинг ягона вертикал бошқарув тизими йўлга қўйилди. Соҳанинг моддий-техник базаси мустақамланиб, зарур ускуналар билан таъминланди.

Кейинги йилларда тез ёрдамда битта чақирикча дори-дармон учун ажратилаётган маблағ миқдори сезиларли даражада ортди. Қолаверса, сўнгги икки йилда марказнинг 14 та худудий филиали, 165 дан зиёд станцияси, қарийб 65 та подстанция ва 1440 га таъин пункти ташкил этилди. Тез тиббий ёрдам бригадалари сони 2850 тадан ортди. 2022 йилдан буён тизимга тегишли 70 га яқин бино ва иншоот қурилиб ёки таъмирланди. Соҳада автоматлаштирилган бошқарув тизими жорий этилиши натижасида чақирикларга етиб бориш вақти кескин қисқарди. Бундан ташқари, Тошкент шаҳри тажрибаси асосида марказнинг худудий филиалларида ягона Call-марказлар фаолияти йўлга қўйилди.

Автоматлаштирилган тизимга ўтишдан олдин чақирикни қайд этишнинг ўзига 8-10 дақиқа кетарди. Ҳозир сонияларда, узоғи билан 1-2 дақиқада мурожаат қабул қилиниб, тез тиббий ёрдам бригадаси планшетига чақирик манзили юборилляпти.

Илгари чақирик қўлда ёзилиб, компьютерга киритилар, кейин тумандаги бўлимга юбориларди. Шундан сўнг туман бўлимида яна қайта

Юртимизда тез тиббий ёрдам хизматининг автотранспорт билан тўлиқ таъминланиши бригадаларнинг чақирикларга кечикиш ҳолатини сезиларли камайтирди. Бундай ҳолатларни иложи борича бартараф этиш мақсадида мавжуд бригадаларнинг аксарияти дислокация нуқталари узоқ худудларда жойлашган аҳоли пунктларига яқинлаштирилди.

— Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш соҳасини, хусусан, тез тиббий ёрдам хизматини ислоҳ қилишга катта пойдевор қўйилди, — дейди Республика тез тиббий ёрдам маркази директори Абдувоитжон Ғафуров. — Олдимизда жуда кўп вазифарлар турибди. Биринчи навбатда, бирламчи тизим билан интеграция жараёнларини йўлга қўйиш, онлаини шифокорлик ва тез тиббий ёрдам тизимини ўзаро боғлаш, маълумот алмашинувини ташкил этиш орқали тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш кўзда тутилляпти. Шунингдек, тизимга ҳозирги кунда долзарб бўлган сунъий интелект технологияларини жорий қилиш, рақамлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хоризжий тажриба, кўникма ва билимларини татбиқ этиш навбатдаги вазифарми ҳисобланади.

Тез ёрдамда ихтисослаштирилган фельдшерлик гуруҳи ташкил қилиниб, барча худудий Call-марказларда малакали терапевт, педиатр,

маркази ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мактаби фаолият кўрсатиб, ҳозирга қадар “103” хизматининг қарийб 15 минг ходими бу ерда соҳага оид янги технология ва инновациялар бўйича малака оширди.

Қисқача айтганда, жаҳон стандартларига мос тиббий ускуналар билан жиҳозланган замонавий автомашиналар ва етук мутахассислар жалланган бу тизим ўзбек тиббиётини янги bosқичга олиб чиқишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Гуруҳ курмаксиз бўлмаганидек, бугунги кунда “103” хизмати Call-марказига бўлаётган асосиз ва ёлгон чақириклар оқ халатли нажоткорлар фаолияти, хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мисол учун, ўтган 2024 йилда ушбу хизматга жами 2713 та, шу йилнинг дастлабки 3 ойида эса 411 та ёлгон чақирик келиб тушгани фикримизга далил бўла олади.

Шу йил 7 май кунини Президентимиз раислигида тиббиётнинг бирламчи бўлини ва ихтисослашган муассасаларда хизматлар сифатини ошириш, дори истеъмолини тартибга солиш ҳамда тиббий таълимни такомиллаштириш бўйича устувор вазифарлар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида тез тиббий ёрдамдаги жами чақир

“Юртимизда тез тиббий ёрдам хизматининг автотранспорт билан тўлиқ таъминланиши бригадаларнинг чақирикларга кечикиш ҳолатини сезиларли камайтирди. Бундай ҳолатларни иложи борича бартараф этиш мақсадида мавжуд бригадаларнинг аксарияти дислокация нуқталари узоқ худудларда жойлашган аҳоли пунктларига яқинлаштирилди.



рўйхатга киритилиб, кейингина тез ёрдам йўлга чиқарди. Автоматлаштирилган тизим туфайли тез тиббий ёрдамнинг кечикиш ҳолати 10-12 фоиздан 1-2 фоизгача камайди. Чақирикларга етиб бориш вақти ўртача 20-30 дақиқа бўлган эса, ҳозир ўртача атиги 8-12 дақиқани ташкил этмоқда.

“Тизимда эскирган автотранспорт воситалари янгиланиб, GPS трекер билан таъминлангани, соҳага замонавий “Volkswagen Caddy” русумли 1000 та автомашина сотиб олингани ва худудларга тақсимлангани инсон саломатлигини асраш, умр давомийлигини таъминлаш каби эзгу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Жорий йилдан “103” хизматида синнов тарзида электромобиллардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Жумладан, Республика тез тиббий ёрдам марказига “BYD Seagull” русумли замонавий электромобиллар тақдим этилиб, улар марказнинг худудий филиаллари ўртасида тақсимланди.

кардиолог, реаниматолог, невропатолог, тиббий психолог ва бошқа тор соҳа мутахассисларидан иборат махсус тиббий саралаш хизмати йўлга қўйилди. Олис, чекка ва тоғли худудлар, доволлар, халқаро аҳамиятга эга автомагистраль йўлларида 103 пунктларини ташкил этиш, тизимдаги мавжуд автомашиналарини ихчам реанимацион жиҳозлар билан таъминлаш режалаштирилган. Бу каби ислохотлар соҳа фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

— Call-марказларда саралаш ҳамда маслаҳат хизматини жорий қилиш кўзда тутилляпти, — дейди Республика тез тиббий ёрдам маркази директори ўринбосари Баҳодир Билолов. — Шунингдек, енгил турдаги чақирикларда шифокор ёки фельдшер “BYD Seagull” электромобилларини ўзи бошқарган ҳолда белгиланган манзилга бориб, беморга тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлмоқда. Шу билан бирга, яқин кунларда педиатрик тез тиббий ёрдам бригадалари ҳам жорий қилиниши назарда тутилган.

Абу Али ибн Синонинг “Инсон дардида дармон бўлмақ олижанобликнинг энг юксак намунаси” деган ўғити соҳада ишлаётган оқ халатли нажоткорларга нисбатан айтилган бўлса ажаб эмас. Бугунги кунда соҳада 65 мингдан зиёд ҳодим фаолият юритмоқда ва уларнинг 13 мингдан ортиги шифокор, 30 мингдан зиёди фельдшердир. Айни пайтда Республика тез тиббий ёрдам

рувларнинг тўртдан бири сурункали касаллиги бор беморларга тўғри келаятгани айтиб ўтилди. Дарҳақиқат, кундан-кунга ҳаётимизда сурункали касаллиги бор беморлар гоҳ қон босимини ўлчатиш, баъзан қайсибир уколни қилдириш учун ҳам тез ёрдамни чақиради. Мисол учун, ўтган йили “103” хизматига сурункали касаллиги бўлган беморлардан 3 миллион 300 мингдан зиёд чақирув келиб тушган бўлса, шу йилнинг ўтган 3 ойида 848 мингта ана шундай тоифадаги чақирикча хизмат кўрсатилди.

— Бу муаммога Call-марказларда тиббий маслаҳат тизимини янада такомиллаштириш ҳамда тез тиббий ёрдам тизимини бирламчи тизим билан интеграция қилиш асосида барҳам бериш мумкин, — дейди Баҳодир Билолов.

Тез тиббий ёрдамга мурожаат қилиш ва тез жавоб олиш, вақтида керакли тиббий ёрдамга эга бўлиш аслида инсон қадри ва розилиги белгиси. “Инсон қадри учун” гоёсининг замирида ҳам ана шу розиликка эришиш ётади.

Мақолани тайёрлаш жараёнида бир хабар эътиборини тортиди. Миллий статистика қўмитаси маълумотига қўра, юртимизда 2024 йил ўртача умр кўриш давомийлиги 75,1 ёшга ташкил этган. Бу кўрсаткич мамлакатда сўнгги ўн йилликларда соғлиқни сақлаш, турмуш тарзи ва ижтимоий шароитлар яхшиланишини тасдиқловчи муҳим демографик кўрсаткич ҳисобланади.

Мисол учун 1991 йилда ўртача умр кўриш давомийлиги 66,4 ёшга ташкил этган бўлса, 1995 йилга келиб, 69,1 ёшга етган. Кейинги беш йилликда, яъни 2000 йилда умр кўриш давомийлиги 70,8 ёшга, 2005 йилда эса 71,8 ёшга ташкил қилган.

2010 йилда умр кўриш давомийлиги 73 ёшга, 2020 йилда эса бу кўрсаткич 73,4 ёш ҳисобланган.

2024 йилда қайд этилган 75,1 ёш кўрсаткичи эса мустақилликдан буён энг юқори натижадир. Бу демографик ўзгариш Ўзбекистон аҳолиси учун нафақат умр давомийлиги узаганини, балки ҳаёт сифати ва тиббий хизматларга бўлган етарли қамровни ҳам аналлятади. Бунда тез тиббий ёрдам хизматининг ўрни алоҳида, десам хато бўлмайди.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

yuz

Мушоҳада

Юртимизда меҳр-оқибат шунчаки сўз эмас, у ўзбекни ўзбек қилиб келаётган руҳдир. Ўзбек характери ни беэтиб келаётган руҳдир. Бу қадимдан оталар насиҳатида, оналар дуосида, қўшиллар муносабатида яшаб келаётган қадрият. Зеро, меҳрибонлик – киши юзида табассум уйғотиш, оқибат эса табассум уйғотган кишидан миннатдорликнинг қайтишидир. Юртимизда кўплаб урушлар, очарчиликлар бўлди. Лекин улар халқимизнинг ўзаро меҳрига, инсоний қиёфасига пурут етказмади.

ЮКСАК ТЕХНОЛОГИЯЛИ, МЕХР-ОҚИБАТЛИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ СИРИ НИМАДА?

Алишер Навоий ҳазратларнинг “Одами эрсанг, демагил одами, Ониким йўқ халқ гамидин гами” деган ўғитининг ўзбек ўзбекиона меҳр-оқибат шiori бўла олди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида минглаб болалар юртимизга бошпана излаб келди. Халқимиз уларга ўз фарзандига қарагандек қаради, бошини силади. “Беғона” деган сўз йўқолди. Бу ўзбекион руҳи, меҳри эди. Президентимиз шу йил 9 май — Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табригида бу урушда ўзбекистонликлар кўрсатган жасорат ва фидокорона меҳнатни алоҳида таъкидлади. Энг таъсирлиси, давлатимиз раҳбари уруш йилларида Ўзбекистонга 1,5 миллионга яқин одам эвакуация қилинган, жумладан, 250 миң етим бола меҳр билан кутиб олинганини алоҳида эслатди. Бу оддий рақамлар эмас, унинг ортида меҳр-оқибат деган фазилат муқаддас.

учун тил ўрганишга қизиқиши ва саводхонлиги юқори. Чунки улар глобал ўйлайди. Дунёдаги турли маданиятлар, ҳаёт тарзи билан танишиб, уларда кенг доирада фикр юритиш қобилияти шаклланди. Муаммолари — жисмоний фаоллик кам. Дисплей олдида узок ўтириш болалар соғлиги, кўзи ва умуртқасига зарар етказиши, ҳаракат фаоллиги пасаяди. Ҳақиқий суҳбат ўрнига чатда ёзишга одатланиб, жонли мулоқотда қийналиши мумкин. Тезкор маълумотларга ўрганиб қолган бола бирор нарсага диққатини узок вақт қарата олмайдди. Сабрсизлик ўсиб, қунт камайдди. Интернетдаги хавфлар, ғаразли контент, зўравонлик, алдамчилик ёки номаълум шахслар билан танишуви улар учун жиддий таҳдид бўлиши мумкин. Гаджетга берилиб кетган бола ота-она ва яқинлари билан муносабатга кам вақт ажратлади. Бу эса муҳаббат ва ишонччи камайтиради. Қисқаси, рақамли авлод — ақли, зийрак ва тезкор, лекин уни тарбиялашда онгли назорат ва соғлом муҳит жуда муҳим. Бу авлодга фақат гаджет эмас, меҳр-оқибат намунаси ва кўникмаси ҳам керак.



Ҳар қандай қийин шароитда одам одамга бера оладиган бир нарса бор. У ҳам бўлса, бир оғиз тасалли, далда, қўллаб юбориш, бир дона нон бўлса-да бериш. Халқимиз, бир қараганда, ана шу жузъий ишда ҳам улкан фазилат кўради. Бу фазилат маҳалларимиз, қишлоқларимиз, шаҳарларимизда ҳам бор. Чунки қалбимиз меҳр муҳитида шаклланди.

Бунинг сабабини Президентимиз 2023 йил 22 декабрь куни бўлиб ўтган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида сўзлаган маърузада ўқиймиз: “Мана, бүгун маънавий-маърифий соҳада масала қандай ўткир ва кўндаланг бўлиб турибди. Булар оддий саволлар эмас. Одамни жиддий ўйлантирадиган, ташвишга соладиган саволлар. Агар биз бу ёруғ дунёда “ўзбек”, “Ўзбекистон” деган номлар билан яшаб қолганини истайдиган бўлсак, бу саволларга бутун жавоб топишимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларимиз айнан бүгун бошлашимиз шарт. Эртага кеч бўлади”.

Дунёга назар солсак, ҳаёт тобора тезлашиб, технологиялашиб, яшаш учун рақобат кучайиб бораётганини кўраемиз. “Вақтини қувиш” режими индивидуаллашувга, одамларнинг атомлашуви, яъни ҳар ким ўз ҳаётини ташвишлари билан ўралашиб қолишига олиб келмоқда. Мана шу ерда бизнинг миллий, ўзбекона жамоавийлик анъаналаримиз одамларнинг индивидуаллашувига дуч келади. Меҳрсизлик энг катта йўқотиш бўлишини Ғарб жамияти мисолида кўриб бўлдик. Мана шундай шароитда меҳр-оқибатни сақлаш биз учун жамиятни бирлаштириш, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга оширишга сафарбар қилишимиз шартларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Учун биз “Болаларингиз сизга қандай муомала-муносабатда бўлишини истардингиз?” деб савол берилганда, улар “Мулоим бўлса, кўнглимизга қараса, ўқраймасам, жериб ташламаса”, деди. Улар ҳам “Ота-оналарингиз шундайми?” деб сўралганда, жим қолди. Фақат бир ўсимир: “Кўпичи уришсади, дўқ қилишди” деб кўйди ийманиб. Ўсимирлар уни унсиз маълумлади.

Меҳр-оқибат одамни инсон қиладиган фазилат. У нафақат қариндошларга, балки нотанишларга, ҳатто табиатга, ҳайвон, буюмларга ҳам меҳрибон бўлишини аниқлатади. Меҳр-оқибат кириб борган жойдан зўравонлик, эътиборсизлик, ёлғизлик, лоқайдлик қочади. Афсуски, одамларни, жамиятни ўзаро боғлайдиган кўринмас, лекин мустақкам ришта бутун илмий-методик ўрганишга муҳтож. Чунки бугунги дунё тезкор, рақамли ва тобора индивидуаллашиб бораётган. Болалар смарт-фонлар, интернет ва сунъий интеллект дарида улғайяпти. Уларнинг билим доираси кенг, технология билан дўст.



Аммо яна бир муҳим жиҳат борки, у техник жиҳозлар билан эмас, қалб билан боғлиқ. У — меҳр-оқибат. Биз мана шу фазилатини, унинг мезон, таркибини социология, педагогик-психология ўрганиб, аниқлаб, ўлчаб, баҳолаб фарзандларимизни тарбияласак, эртага кеч бўлиши мумкин. Ўзбекиона меҳр-оқибат илгари бўлмаган шароит, синовалга дуч келаяпти. Глобаллашуви, яхши-ёмон ахборотларнинг жиловсиз тарғиботи ўз иштини қилмоқда. Ижтимоий тармоқларда одамлар бир-бирига очикдан-очик ачиқ сўзлар ёзаяпти. Мана шу ҳолат ҳам меҳр-оқибат ҳақида бонг уришга чорлайди. Чунки меҳр бор жойдан нафрат қочади.

Ҳа, рақамли авлодларни мана шу концептуал фикр доирасида меҳр-оқибат фазилати асосида тарбиялашга бутун киришмасак, эртага кеч бўлади. Ўшларимиз меҳр-оқибатини нафақат эшитиши, балки ҳаётда ота-онаси, устозлар тимсолида кўриши керак. Бола кичиклигидан меҳр кўрса, улғайганда ҳеч кимга зўравонлик қилмайди, ҳеч қачон кимнидир камситмайди. Чунки у яхши ният, меҳр муҳитида ўсган. Зеро, келажак — меҳрли одамлар қўлида. Уларнинг нигоҳи теран, юраги очик, дунёси нури.

Рақамли авлод маънавияти

Бир тадқиқот қиссаси

Бутун бир оилада турли авлодлар — хомуш авлод (1925-1944 йиллар), бумерлар авлоди (1944-1967 йиллар), X авлод (1967-1984 йиллар), миллениаллар авлоди (1984-2000 йиллар), Z авлод (2000-2015 йиллар) ва Альфа авлод (2011 йилдан кейин туғилганлар) яшайпти. Альфанавий тарбияланган авлодлар билан интернет тарбиясини олган рақамли авлод хулқи орасидаги фарқ тобора сезилиб бормоқда.

Бухоро вилоятида авлодлар орасидаги меҳр-оқибат муносабатларини тадқиқ қилиш учун ота-оналар билан суҳбат ўтказдик. Жондор, Шо-Фирқон, Ёшдувонда “Авлодлар учрашуви” маърифий тадбирлари ташкил этилди. Залии иккига ёғлиб, бир ёнга кексалар ва ота-оналар, иккинчи ёнга ёшлар ўтказилди. Бу юзма-юз, бевоқиф мулоқотга қулай бўлди.

Рақамли авлод, яъни интернет, смартфон, планшет ва технологиялар орасида ўсиб келаётган ёшларнинг хулқ-атворида кузатиладиган жиҳатларга назар солсак, улар интернет орқали маълумот топишни яхши билади. Янги маълумотни тез излаб, тез илғаб олади. Улар янги дастурлар, телефон иловалари, замонавий курилмаларни катталардан илдам ўзлаштиради. Креатив фикрлаб, фикрларини видео, графика, ўйин, дизайн орқали ифода қилишни қотиради. Бундай ўғил-қизларда яратилиш, янгиликка интилиш кучли. Онлайн контент асосан, инглиз ва бошқа тилларда бўлгани

Юқорида айтганимиздек, ҳайрон қиладиган жиҳат шуки, учала учрашувда ҳам икки авлод бир-бирини меҳр, хушмуомала, эътибор, қўллаб-қувватлов кутиши аниқланди. Энг кўп айтилган, исталган, кутилган сўз “меҳр” бўлди. Бу бизда ҳайрат уйғотди. Наҳотки, меҳр шунчалар ноёб бўлса? Наҳотки, икки томон ҳам бекем? Йўқ, икки томонда ҳам меҳр бериш ва олиш истаги бор. Унда нега меҳр бунча тансиқ?!

Буни аниқлашни ота-оналарнинг кундалик лугат бойлигидан бошладик. “Меҳр” сўзининг

Учун биз “Болаларингиз сизга қандай муомала-муносабатда бўлишини истардингиз?” деб савол берилди. Иштирокчилар “Болаларимиз хушмуомала бўлса, кўнглимизга қараса, ўқраймасам, гап қайтармасам”, деди. “Болаларингиз шундайми?” деб сўралганда, жим қолди. Фақат бир ўсимир: “Кўпичи уришсади, дўқ қилишди” деб кўйди ийманиб. Ўсимирлар уни унсиз маълумлади.

Меҳр социологияси

Интернет, ижтимоий тармоқлар, виртуал ўйинлар — буларнинг барчаси болаларнинг ҳиссий дунёсига таъсир қилади. Кўпичи ёшлар экран орқали бошқалар билан мулоқот қилади. Шу боис, ҳаққоний ижтимоий воқеликдан узилади. Бу ҳолат уларни ҳис-туйғу жиҳатдан совуқ, беэътибор қилиб қўйиши мумкин. Бироқ айнан шу технология муҳитининг ўзида меҳр-оқибат фазилатини тўшунтириш, уқтириш, кўрсатиш, ҳатто машқ қилдириб, ривожлантириш имконияти ҳам чексиз. Демак, аниқ, яъни меҳр-оқибатга ўргатишга йўналтирилган контент, ижобий ролли моделлар, волонтерлик ташаббуслари — буларнинг барчаси рақамли авлоднинг миллий руҳда тарбиялаш, ёшларга меҳр-оқибат ҳақида нафақат гапириш, балки хулқ моделлари шаклида ўргатишга имкон беради.

Нима қилмоқ керак? Ота-онанинг шахсий намунаси рақамли авлод учун ҳам долзарб. Болалар гапни эшитади, хулқ, ҳаракатга қараб ўрганади. Шундай экан, ота-оналар бобо-бувиларга, қарияларга, болаларга, қўшилларга, танишу нотанишларга қандай муносабатда бўлаётганини қайта-қайта кўрса, болалар ана шу хулқни такрорлашга мойил, тайёр бўлиб ўсади.

Мақтабда фақат билим бериш эмас, балки ҳиссий, раҳмдиллик, кечиримлилик ҳақида суҳбатлар ўтказиш керак. Драматизация, китоб ўқиш, ҳаётини воқеаларни муҳокама қилиш самарали бўлади. Ёшларни кичикликдангина яхшиликка, бировга ғамқўрлик қилишга жалб этиш меҳр-оқибатни амалий кўришида ўргатишнинг энг таъсирли усули. Меҳрибонлик уйлари, болалар шифохоналари, муҳтож оилалар — булар ҳаётини тўғри қўришга, шуқроналик, меҳрибонлик тарбиясига ёрдам беради.

З ва альфа авлод учун интернет ҳаётнинг бир қисми. Шу сабаб рақамли этика, онлайн меҳр-оқибат, интернетда бошқаларга ҳурмат билан муомала қилиш — барчаси ўргатилиши шарт. Демак, замонавийнинг янги социология вазифаларидан бири болаларимизга рақамли дунёда ҳам инсон бўлиб қолишини ўргатишдир.

Замон ўзгаради, технология илгарилаяпти. Аммо инсон қалбидини эҳтиёжлари ҳамisha бир хил ва ўзгармас: яхши сўз, самимий табассум, ёрдам қўли. Агар биз Z ва альфа авлодга шунинг бундан ўргатиб, уларнинг одатига айлантира олсак, келажакда нафақат ақли, юксак технологияли, балки меҳрибон, оқибатли жамиятда яшаймиз.

Меҳр-оқибат ҳақида ўтган асрларда назарий-фалсафий, маъмур тўшунча деб келинди. Бугунги социология фани эришган ютуқлар бу фазилатни тарбия технологиялари орқали бемалол ўстириш, машқ қилдириш, ўргатиш, одатлантириш методларига эга. Бу фазилат инсондан инсонга ўтади. Уни ёшларга ўтказиш вазифаси бугун биз — катталарнинг зиммасида турибди. Зеро, Абдулла Авлонийнинг бундан юз йил аввал айтиб кетган бир ўғити ҳозир ҳам ўз ахамиятини йўқотгани йўқ:

Шундай экан, ота-оналар бобо-бувиларга, қарияларга, болаларга, қўшилларга, танишу нотанишларга қандай муносабатда бўлаётганини қайта-қайта кўрса, болалар ана шу хулқни такрорлашга мойил, тайёр бўлиб ўсади.

Меҳр-оқибат ҳақида ўтган асрларда назарий-фалсафий, маъмур тўшунча деб келинди. Бугунги социология фани эришган ютуқлар бу фазилатни тарбия технологиялари орқали бемалол ўстириш, машқ қилдириш, ўргатиш, одатлантириш методларига эга. Бу фазилат инсондан инсонга ўтади. Уни ёшларга ўтказиш вазифаси бугун биз — катталарнинг зиммасида турибди. Зеро, Абдулла Авлонийнинг бундан юз йил аввал айтиб кетган бир ўғити ҳозир ҳам ўз ахамиятини йўқотгани йўқ:

Тузбт ташов билан бўлмас бола, бўлгай бало сизга, Вужуди тарбият топса, бўлур ул раҳнамо сизга.

Бобур КАРИМОВ, Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси профессори, социология фанлари доктори

GAZETADAGI MATERIALLARNI LOTIN EZUVIGA ASOSLANGAN OZBEK ALIFBOSIDA UQISH UCHUN MAZKUR QR-KODNI SKANER QILING.

ФУТБОЛДА ШОН ТОПДИ ЎЗБЕГИМ

(Фахрия)

Кувонч кўз ёшлари — кўзимнинг кўрки, Ифтихор, шукрона — сўзимнинг кўрки, Янги Ўзбекистон — юзимнинг кўрки, Мардлар дунё билан қандай юзлашар? Сенсираб гапирса, улар сизлашар.

Ўзбеклар азалдан шундай яшаган, Осие кўкида кундай яшаган, Ҳар бир луқмасини ҳалол ошаган, Бу халқ ёмонлиқни ёмон кўради, Яхшини бошдаги осмон кўради.

Қадимий қудратни эрки кўрсатди, Бошин омон тутган бўрки кўрсатди, Билганин беминнат ҳудум ўргатди, У поклик васфиди ҳамон хур булбул, Боқийлик боғида юз очган бир гул!

Энди мен мақсадга кўчганим бўлсин, Шодлик самосида учганим бўлсин, Тангри “зам-зам” бидан ичганим бўлсин, Чунки кутган кутганим Арабга кучдим, Араб майдонида шарафда кучдим.

Футбол бу — ўзбекининг азоби эди, Жигарин қон қилган кабоби эди, Ким учун у майдон хароби эди, Кун келди, фикрига таваб қилдилар, Бизни билмаганлар энди билдилар!

Ҳақ дедик — Тангрининг қаромати бу, Муҳлислар меҳрининг саодати бу, Ўзбек ўғлонларни шижоати бу, Тилларида доим “Алҳамдулиллоҳ”, Ёр бўлди, ёр бўлди меҳрибон Аллоҳ!

Босим қилганларнинг ўзи босилди, Аламдан қош-қабок, лунжи осилди, Йўлимиз тўсганининг йўли тўсилди, Ўғтис саккиз милён элнинг дуоси — Янги музаффарлик — янги садоси!

Жаҳонни хайратга солгани ростдир, Қалбларни қувончга қоргани ростдир, Бу ҳалол ғалаба миллатга хосдир, Қўриб йиғмаган одам қолмади, Янги Ўзбекистон — янги омади!

Юртбоши қутлови — халқин дўл сўзи, Кўзлари намланар, кўёшдир юзи. Футболда шон топди ўзбегим ўзи, Нечун қувонмасин юрт раҳнамоси, Бу ўттиз тўрт йиллик орзу сафоси!

Ўткирбек ўғлони қаҳрамон бўлса, Олти бор юрт шаънига қалқон бўлса, Шундай бўлар бир дарвозабон бўлса, Қалам тутдим мен ҳам сийғмай теримга, Севинч кўз ёшларини сиёҳ шеъримга.

Темур Капазденинг пойқадами хуш, Меҳрибон мураббий тил малҳами хуш, Деймиз, ҳеч ким кўнгли бўлмасин нохуш, Яратган оҳимиз тинглаб турганда, Ўзи омадимиз ўнглаб турганда.

Отабек мадҳига қалам ожиздир, Аббосбек тўп сурса, учар юлдуздир, Одил олди ўтса, рақиб дилгирдир, Миллат шунқорлари, эл ўғлонлари, Улар Ватан қадрин зўр посбонлари!

Ҳожиакбар мисли шиддат шамоли, Футбол бу — Элдорнинг тўғма камоли, Жалолдин — жамоанинг иқболи, Бир жон, бир тан бўлди, бир Ўзбекистон, Бундай жамоага таъзим, шараф-шон!

Ҳавас қилганларга ибрат тимсоли, Илҳом манбаидир, бахтининг жамоли, Жон фидо бўлса ким улар мисоли, Ота-онанинг дуосин олиб, Бўлгайдир ҳамиша ҳар ишда голиб!

Тарихий ғалаба — ўзбекининг ори, Жанни Инфантино — ФИФА сардори... Йўллаган мактуби қувонч алёри. Араб майдонида қилиб тўйини, Жаҳонга бўйлади Ўзбек бўйини.

Қўл очинг, азизлар, энди “Омийн” денг — Тинч бўлсин элу юрт, она замин, денг. Футбол оламига йўл очилди кенг, Зафар ёр, соғ бўлсин олтин бошлари, Янги Ўзбекистон янги ёшлари!

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДМ МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-646. 36191 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибуев Мусаххих: Шерзод Маҳмудов Дизайнер: Зафар Рўзиев Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй Ўза якуни — 01:10 Тошхирлиди — 01:15